

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳуқуқида  
УДК 665.6

Сойибов Собитжон Абдурахмонович

**«ДЕНГИЗКЎЛ» НЕФТНИ ТАЙЕРЛАШ ҚУРИЛМАСИНИ ТАДҚИҚ  
ҚИЛИШ.**

Мутахассислик: 5А 311902 – Нефт ва газ конлари машина ва жиҳозларидан  
фойдаланиш

Магистракадемик даражасини олиш учун ёзилгандиссертация

Илмий раҳбар: **проф. Дўстов X.Б.**

Бухоро – 2016 йил

## МУНДАРИЖА

	<b>Кириш . . . . .</b>	<b>5</b>
<b>I боб</b>	<b>ефтни тайёрлаш қурилмаларининг аналитик шарҳи . . . . .</b>	<b>15</b>
<b>1.1</b>	Нефтни комплекс тайёрлаш қурилмалари тўғрисида умумий маълумот . . . . .	15
<b>1.2</b>	Конларда нефтни йиғиш тизимларининг турлари. . . . .	21
<b>1.3</b>	Нефтни йиғиш ва тайёрлаш қурилмаларининг жиҳозлари. . . . .	27
<b>1.4</b>	Тайёрланган нефтни узатиш усуллари. . . . .	30
<b>1.5</b>	Суюқлик узатувчи магистрал қувурлардаги насос ва компрессор станциялари . . . . .	34
<b>II боб</b>	<b>Нефт ва газларнибирламчи қайта ишлаш жараёнларининг назарий асослари ва технологияси . . . . .</b>	<b>37</b>
<b>2.1</b>	Конларда тайёрланган нефт маҳсулотларига қўйиладиган талаблар . . . . .	37
<b>2.2</b>	Нефтни газдан ажратиш жараёнини назарий ҳисоблаш. . . . .	41
<b>2.3</b>	Газнефт ажратгичларининг маҳсулдорлигини ҳисоблаш. . . . .	44
<b>2.4</b>	Кондаги йиғиш қувур ўзаткичларини ҳисоблаш. . . . .	47
<b>III боб</b>	<b>«Денгизкўл» конидаги нефтни тайёрлаш қурилмаси ва асосий технологик жараёнларнинг тадқиқотлари. . . . .</b>	<b>49</b>
<b>3.1</b>	Кондаги нефтни тайёрлаш қурилмасининг умумий тавсифи. . . . .	49
<b>3.2</b>	Кондаги технологик жараёнларнинг физик–кимёвий асослари. . . . .	53
<b>3.3</b>	Резервуарлардан буғланиш орқали йўқолаётган енгил углеводородларни максимал камайтириш йўли билан Денгизкўл нефтни тайёрлаш қурилмасини оптималлаштириш. . . . .	59
	<b>Умумий хулоса ва таклифлар. . . . .</b>	<b>69</b>
	<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати . . . . .</b>	<b>71</b>
	<b>Илова . . . . .</b>	

## А Н Н О Т А Ц И Я

Диссертация иши мавжуд нефтни тайёрлаш қурилмалари тузилиши ва иш тарзини чукур таҳлил қилиб чиқиш асосида “Денгизкўл” кони нефтни йиғиш ва тайёрлаш тизими асосий параметрларининг нефт ва конденсатни тайёрлаш жараёни самарадорлигига таъсирини ўрганишга бағишлиланган.

Резервуарлардан буғланиш орқали йўқолаётган енгил углеводородларни максимал камайтириш йўли билан Денгизкўл нефтни тайёрлаш қурилмасининг (НТҚ) самарадорлигини ошириш мақсадида олиб борилган тадқиқот натижалари баён этилган.

Моделлаштирилган тизим ёрдамида Денгизкўл кони нефтни тайёрлаш қурилмасининг материал баланси ҳисоблаб чиқилган, шунингдек горизонтал ва қия сепараторлардаги газ сарфи, нефт резервуарларидан ва бошқа суюқ углеводород сақловчи қурилмалардан буғланувчи енгил углеводород фракцияларининг (ЕУФ) миқдори аниқланган.

Нефтни тайёлаш қурилмасида юз берадиган йўқотишларни бартараф этиш мақсадида уни реконструкция қилиш ҳамда НТҚ нинг технологик схемасига паст ҳароратли Стирлинг совутиш машинасида асосланган (ЕУФ) тутиб қолиш тизимини киритиш таклифлари моделлаштирилган тизимларда олиб борилган илмий назарий тадқиқотлар асосида исботлаб берилган.

Хозирги кунда ишлаб турганкондаги бирламчи қайта ишлаш тизими фаолиятини чукур ўрганиш, назарий ва экспериментал изланишлар олиб бориш ва натижаларни таҳлил қилиш асосида Ўзбекистондаги йирик ва ноёб конлардан ҳисобланган “Денгизкўл” кони нефтни йиғиш ва тайёрлаш қурилмасининг самарадорлигини ошириш мақсадида илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

## SUMMARY

Dissertation is dedicated to oil production equipment business structure and style, in-depth analysis as the basis for the main parameters of the deposit of "Dengizkul". The oil collection system and the studies the efficiency of the impact of oil and condensate production process.

By reducing the maximum loss through evaporation from reservoirs of light hydrocarbons of Dengizkul oil extraction device (OED), the results of research carried out in order to improve the efficiency of the drive.

The model system of Dengizkul oil extraction device is calculated from the material balance, as well as horizontal and inclined separators of gas, oil and other liquid hydrocarbons evaporate from storage devices barrel, the amount of light fractions of hydrocarbons (LFH) is determined.

Oil in order to eliminate the losses occurring in the device ready for reconstruction and OED's technology plan based on low-temperature Stirling cooling machine (LFH) capture system offers model systems to prove on the basis of the scientific and theoretical research.

Currently, the primary processing of the deposit system in-depth study of theoretical and experimental research and analyzing the results of the largest and unique field of "Dengizkul". The field of collecting oil and training in order to improve the efficiency of the device was developed based on scientific recommendations.

## КИРИШ.

Нефт ва газ – инсоният учун ноёб, бебаҳо ва ўта фойдали қазилма бойликлар ҳисобланади. Уларни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотлар саноатнинг барча соҳаларида, автотранспортнинг барча турларида, авиацияда, харбий ва фуқаро қурилиши соҳаларида, қишлоқ хўжалигига, энергетикада, кимё саноатида, кундалик ҳаётимизда ва бошқа соҳаларда кенг ишлатилади-ки, уларсиз жамият фаолияти ва тараққиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Нефт ва газни қайта ишлашдан қўплаб кимёвий модда ва хом ашёлар: пластмассалар, синтетик толалар, каучук, локлар, бўёқлар, йўл ва қурилиш битумлари, юувучи суюқликлар ва жуда қўп маҳсулотлар олинади. Бежизга нефтни “Қора олтин” деб айтилмайди.

Бошланган XXI аср инсоният олдига нефт захираларини қазиб олиш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича ўта муҳим ва глобал муаммоларни ҳал қилиш масалаларини қўймоқда. Ҳозирги вақтда дунё бўйича ҳар йили 3 млрд тоннадан ортиқ нефт, шунингдек  $2,5$  трлн  $m^3$  дан ортиқ табиий газ қазиб олинмоқда ва қайта ишланмоқда. Уларнинг планетамизда қолган захира миқдори эса мос равишда тахминан 140 млрд тонна ва  $155$  трлн  $m^3$  ни ташкил этади.

**Дунё нефт ресурслари.** Қазиб олинадиган нефт захиралари дунё бўйича 141,3 млрд тоннани ташкил қиласди (1-жадвал). Ҳозирги нефт қазиб олиш ҳажми бўйича бу захира яна 42 йилга етиши мумкин. Қайд этилган захиранинг 66,4 % Яқин ва Ўрта Шарқ давлатлари ҳудудида жойлашган. Бу регион нафакат йирик нефт захиралари билан, балки улардаги ноёб (1млрд тоннадан ортиқ) ва жуда юқори маҳсулдор ҳисобланган гигант (300 млн т. дан 1млрд тоннагача) конларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради.

Бу регион давлатлари орасида баён этилган қўрсаткичлар бўйича дунё нефт захираларининг деярли чорак қисми (25 %) жойлашган Саудия Арабистони дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Бу региондаги Ироқ, Эрон, Қувайт, Абу-Даби ва Бирлашган Амирликлар каби давлатларнинг ҳар бири

**1-жадвал**

**Дунё бўйича нефт ва газ захираларининг ҳамда уни қазиб олишнинг худудлар ва давлатлар бўйича улушлари (2002 йилгача, % ҳисобида)**

Регионлар ва давлатлар	Нефт		Газ	
	Захира	Қазиб олиш	Захира	Қазиб олиш
Дунё бўйича	100 (141,3·10 <sup>9</sup> т)	100 (3,37·10 <sup>9</sup> т)	100 (154,9·10 <sup>12</sup> м <sup>3</sup> )	100 (2,45 · 10 <sup>12</sup> м <sup>3</sup> )
<b>Америка региони</b>	<b>14,52</b>	<b>25,51</b>	<b>12,72</b>	<b>34,53</b>
АҚШ	2,10	8,64	3,06	21,68
Канада	0,47	3,02	1,12	7,31
Венесуэла	7,55	4,49	2,69	1,34
Мексика	2,61	4,47	—	2,00
Бразилия	0,82	1,67	—	—
<b>Фарбий Европа</b>	<b>1,66</b>	<b>9,47</b>	<b>2,90</b>	<b>11,26</b>
Буюк Британия	0,48	3,73	0,49	4,36
Норвегия	0,92	4,77	0,81	2,21
Нидерландия	—	—	1,14	2,92
<b>Шарқий Европа ва собиқ СССР</b>	<b>5,68</b>	<b>11,93</b>	<b>36,60</b>	<b>30,27</b>
Россия	4,71	9,59	31,08	24,8
Қозогистон	0,53	1,00	—	—
Азорбойжон	0,11	0,41	—	—
Туркманистон	0,05	0,21	1,85	1,39
Ўзбекистон	0,06	0,23	1,21	2,06
Украина	0,04	0,11	—	—
Руминия	0,09	0,18	—	0,90
<b>Яқин Шарқ</b>	<b>66,47</b>	<b>31,85</b>	<b>33,90</b>	<b>8,39</b>
Саудия Арабистони	25,13	11,86	3,90	2,14
Эрон	8,70	5,46	14,85	2,34
Ирок	10,9	3,81	—	—
Қувайт	9,11	2,62	1,0	—
Абу-Даби	8,94	2,82	4,0	—
<b>Африка региони</b>	<b>6,90</b>	<b>10,34</b>	<b>7,20</b>	<b>4,96</b>

Ливия	2,86	3,37	0,85	0,31
Нигерия	2,33	3,01	2,27	0,33
Алжир	0,89	1,20	2,92	3,49
Египет	0,29	1,20	—	—
Ангола	0,53	1,10	—	—
<b>Осиё -Тинч океан региони</b>	<b>4,24</b>	<b>10,85</b>	<b>6,7</b>	<b>10,60</b>
Хитой	2,33	4,80	0,88	1,10
Индонезия	0,48	1,88	1,32	2,80
Австралия	0,29	1,04	—	—
Малайзия	0,29	1,02	1,49	1,69
Хиндистон	0,47	0,6	—	—

дунё нефт захирасининг деярли ўндан бирига тенг бўлган йирик нефт захираларига эга.

Дунё регионлари ичидаги қазиб олинадиган нефт захирасининг 14,5 % эга бўлган Америка континенти бу соҳада иккинчи ўринни эгаллайди. Катта нефт захираларига эгалиги билан Венусуэла, Мексика, АҚШ, Аргентина ва Бразилия давлатлари ҳам етакчи ўринларда жойлашади. Шунингдек қазиб олинадиган нефт захираси Африкада 6,9 % ни, жумладан Ливияда – 2,9 %, Нигерияда – 2,3 % ва Алжирда – 0,9 % ни ташкил этади.

Фарбий Европадаги йирик нефт ва газ конлари асосан Шимолий денгиз акваториясидаги Британия (0,5 млрд т) ва Норвегия (1,5 млрд т) ҳудудларида жойлашган.

Тинч океани-Осиё миңтақасидаги Хитой (2,35 %), Индонезия (0,5 %), Хиндистон, Малайзия ва Австралия (биргаликда дунё захирасининг 1 %) давлатлари ҳам нефт захираларига эга.


Шарқий-Европа давлатларига қазиб олинадиган нефт захирасининг 5,8 % тўғри келади, жумладан Россияга – 4,76 % (6,64 млрд т) тўғри келади.

**Дунё бўйича нефтни қазиб олиш.** Нефтни қазиб оловчи асосий регионлар – катта нефт захираларига эга бўлган давлатлар ҳисобланиб, улар

етакчи ўринларда турат. Нефт қазиб олиш ҳажми бўйича дунёда биринчи ўринни 1974 йилгача АҚШ, ундан кейин 1989 йилгача – сабиқ СССР, 1995 йилдан 2000 йилгача Саудия Арабистони банд этиб келган. 1-жадвалдан кўринадики, бу қўрсаткич бўйича Россия ҳозирги пайтда дунё бўйича 1-ўринда турат. Энг кўп нефт қазиб олувчи (йилига 100 млн т ва ундан ортик) йирик 10 та давлатлар қаторига яна Эрон, Хитой, Норвегия, Венесуэла, Мексика, Ироқ, Буюк Британия, Ливия, Канада ва Нигерия киради. 2005 йилдаги маълумотларга асосан Ҳамдўстлик Мамлакатларида (йилига 100 млн т ҳисобида): Қозоғистонда – 61, Озорбойжонда – 22, Туркманистанда – 9,5 ва Ўзбекистонда – 8 млн т нефт қазиб олинмоқда.

Ўзбекистон углеводородли қазилма бойликларнинг катта захираларига эга. Республиканинг 60%га яқин ҳудуди нефть ва газ потенциалига эга. Ўзбекстоннинг нефть ва газга бой минтақаларида 211 та углеводороли хом ашё кони очилган. Улардан 108 таси газ ва газ конденсати конлари, 103 таси нефть-газ, нефть-газ конденсати ва нефть конлариdir. 50%дан ортикроқ

#### Ўзбекистон Республикасида углеводород хом-ашёларини қазиб чиқариш динамикаси



**1-расм. Ўзбекистон Республикасида углеводород хом-ашёларини қазиб чиқариш динамикаси**

иниконлар ишланмоқда, 35%и ўзлаштиришга тайёрлаб қўйилган, қолганларида эса разведка ишлари давом эттирилмоқда.

«Ўзбекнефтгаз» МХКнинг ишлаб чиқариш қувватлари йилига 60-70 миллиард куб метр табиий газ ва 8 миллион тонна суюқ углеводородлар қазиб олиш имконини беради. Мазкур кўрсаткичлар туфайли «Ўзбекнефтгаз» МХК табиий газ қазиб чиқариш бўйича жаҳонда 11-ўринни эгаллаб туриди.

Ўзбекистонда углеводороли хом ашё қазиб чиқариш ҳажми қарийб 86 млн. тонна шартли ёқилғини ташкил этади. 1991 йилдан бери унинг даражаси 60%га ўси. Мамлакатда қазиб чиқарилаётган нефть ва газ улуши Ўзбекистон иқтисодиётини таъминлаётган бирламчи энергия ресурсларининг 96%ини ташкил этади.

Тармоқ хом ашёни янада чуқурроқ қайта ишлаш йўлини танлаган. Жанубий Корея компаниялари консорциуми билан биргаликда Устюрт платосидаги Сургил кони негизида Марказий Осиёдаги энг йирик газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу мажмуанинг лойиҳавий қуввати 4 млрд. куб. м табиий газни қайта ишлаб, 362 минг. тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш имконини беради.

Бу рақамларга асосан шуни таъкидлаш мумкинки, нефтни қайта ишлаш соҳаси янада унумлироқ, экологик ва технологик хафсизроқ, энергетик тежамкорроқ ва нефт хом ашёсини янада чуқурроқ қайта ишлашга йўналтирилиши лозим. Шунингдек нефт маҳсулотларидан, биринчи навбатда юқори сифатли мотор ёқилғиларидан тежамкорлик билан, оқилона фойдаланиш давр талабидир.

## ИШНИНГ АСОСИЙ ТАВСИФИ.

**Мавзунинг долзарбилиги.** Нефт конида олиб борилган таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, қудуқдан нефтни қайта ишлаш заводи қурилмаларигача ва заводдан истеъмолчиларгача етказиш давомида нефтнинг йўқолиши унинг йиллик қазиб олинадиган микдорига нисбатан 9% ни ташкил этар экан. Бунда асосан нефтнинг буғланиши оқибатида нефtkимё саноати учун асосий ва қимматбаҳо бўлган енгил компоненталари учиб кетади.

Маълумки, енгил углеводородларнинг (ЕУ) йўқолиши асосан турли хилдаги қувиш-бўшатиш операциялари –“катта нафас” ва нефтни қўзғалмас ҳолда сақлаш пайтида ҳароратнинг суткалик ўзгариши –“кичик нафас” натижасида содир бўлади.

Атмосферага чиқиб кетадиган ЕУни сақлаб қолишга буғланиш маҳсулотларини йиғиб олишга мўлжалланган понтонларни ёки енгил фракцияларни тутиб олувчи тизим қурилмаларини қўллаш орқали эришиш мумкин.

Бундай тадбир кондаги қурилмалар сонини қайта кўриб чиқиш, бошқарувчи ва ростловчи ускуналарни автоматлаштириш ва компьютерлаштириш, шунингдек янгидан бошқа нефтни йиғиш ва тайёрлаш қурилмаларини лойиҳалаш каби масалаларнинг ечимини топишга ёрдам беради. Республикада қазиб олинаётган нефтнинг каттагина қисмини таъминловчи, Ўзбекистондаги йирик ва ноёб конлардан ҳисобланган “Денгизкўл” кони ҳам шундай конлар жумласига киради.

Шунинг учун нефтни йиғиш ва тайёрлаш қурилмалари самарадорлигини ошириш, уларнинг ишини илмий асосланган янгича режимларга ўтказиш, коннинг маҳсулот беришини оқилона тарзига ўтказиш ёки зарурий ҳолларда уларнинг реконструкциясига тавсия беришга бағишлиланган тадқиқотлар Республикамиз нефт-газ саноати учун ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади.

**Ишнинг мақсади.** Мазкур ишнинг асосий мақсадиқуидагилардан иборат:

- резервуарлардан буғланиш орқали йўқолаётган енгил углеводородларни максимал камайтириш йўли билан Денгизкўл нефтни тайёрлаш қурилмасининг самарадорлигини ошириш;
- нефтни тайёлаш қурилмасида юз бераётган йўқотишларни бартараф этиш мақсадида уни реконструкция қилиш ҳамда НТҚ нинг технологик схемасига паст ҳароратли Стирлинг совутиш машинасига асосланган енгил углеводородфракцияларини (ЕУФ) тутиб қолиш тизимини киритиш тавсияларини ишлаб чиқиш.
- озирги кунда ишлаб турганкондаги бирламчи қайта ишлаш тизими фаолиятини чукур ўрганиш, назарий ва экспериментал изланишлар олиб бориш ва натижаларни таҳлил қилиш асосида Ўзбекистондаги йирик ва ноёб конлардан ҳисобланган “Денгизкўл” кони нефтни йиғиш ва тайёрлаш қурилмасининг самарадорлигини ошириш мақсадида илмий асосланган тавсиялар бериш.

### **Тадқиқотнинг асосий вазифалари:**

1. “Денгизкўл” кони нефтни йиғиш ва тайёрлаш тизими асосий параметрларининг нефт ва конденсатни тайёрлаш жараёни самарадорлигига таъсирини ўрганиш .
2. Моделлаштирилган тизим ёрдамида Денгизкўл кони нефтни тайёрлаш қурилмасининг материал баланси ҳисоблаб чиқиш.
3. Нефтгаз, горизонтал ва қия сепараторлардаги газ сарфи, шунингдек нефт резервуарларидан ва бошқа суюқ углеводород сақловчи қурилмалардан буғланувчи ЕУФ нинг миқдорини аниқлаш.
4. Атроф муҳитни ҳимоя қилиш Давлат қўмитаси томондан белгиланган нормалар бўйича маълум методика асосида кондаги нефтни тайёрлаш қурилмасининг зервуарларидан нефтни сақлаш жараёнида атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи моддалар миқдорини аниқлаш.

5. Конни моделлаштириш учун фойдаланилган математик моделларнинг адекватлигини ўрганиб чиқиши ва таклиф қилинаётган моделлаштирилган тизимни бошқа мавжуд НТҚ учун қўлланилиш чегараларини аниқлаш.

#### **Тадқиқот услубияти ва усуллари:**

1. Кондан қазиб олинаётган олинаётган маҳсулотларни бирнеча қудуқлар гурухи бўйича ўлчаш ускуналаридағи ўлчов натижаларига кўра ҳамда фазавий ҳолат тенгламаларидан фойдаланиб аналитик ҳисоблашлар асосида маҳсулотнинг таркиби аниқланади.
2. Кон маҳсулотининг берилган массавий таркибга кўра ва резервуар паркидаги маҳсулот сақланадиган сифимлар ҳажмини билган ҳолдаенгил углеводороднинг миқдори ҳисоблаб топилади.
3. Нефть йиғиши ва тайёрлаш жараёнини технологик параметрларини ҳисоблашда нефтнинг физикавий ва иссиқлик хоссалари билган ҳолда бир нечта компонентлардан ташкил топган тизим (нефт ёки йўлдош газ)нинг хусусиятларидан ҳамда алоҳида компонентларнинг физик-кимёвий хоссаларидан фойдаланилади.
4. НТҚда нафт сақловчи резервуарлардан буғланувчи ЕУ миқдори, бошланғич ҳайдаш босими, суюқлик ўтказувчанлик қобилияти, маҳсулот сарфи, оқимнинг ламинар ёки турбулентлик хоссалари баҳоланади.

**Ишнинг илмий янгилиги.** Олиб борилган тадқиқотлар натижасига асосланибенгил углеводородлар йўқолишини камайтириш ҳамда НТҚ нинг ишлаш самарадорлигини ошириш максадида учувчи енги фракцияларни тутиб қолувчи қурилмани (ЕФТҚ) киритиш ва қўллаш орқали мавжуд технологик тизимни реконструкциялаш тавсия этилди.

#### **Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.**

Капитал қурилиши учун унча катта бўлмаган сармоя сарфи ҳисобига қазиб олинаётган ЕУ буғларини тутиб қолиш эвазига тизимдан катта

микдорда фойда олиш билан бирга атроф мухит ифлосланишининг олдини олиш, конлар жойлашган ҳудуд экологиясини яхшилаш мумкин. Бундай қурилмаларнинг сони кўплиги инобатга олинса, тизимдан олинадиган фойданинг ва атроф мухит ҳимоясига қўшиладиган ҳиссанинг салмоғи нақадар катта бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Янги технологик тамайилларга асосланиб бериладиган тавсияга кўра конни ишлашнинг охирги босқичларида эксплуатация қилинаётган “Денгизкўл” кони маҳсулотни йиғиш тизимининг асосий параметрлари жумладан, маҳсулдорлиги юқори бўлади. Бунда маҳсулотни йиғиш ва тйёрлаш тизими марказий йиғиш пункти билан боғланган автоном блоклардан иборат бўлиб, олдингига нисбатан энергия тежамкорлиги билан ажralиб туради. Бундай тизимни бошқариш, кирувчи ва чиқувчи параметрларни назорат қилиш етарлича осон бўлиб, унинг бир маромда узлуксиз ва хавфсиз ишлашини тъминлашга хизмат қиласди.

### **Илмий-тадқиқот ишининг ҳажми ва унинг муҳокамаси.**

Диссертация 71бетдан иборат бўлиб, Шта боб, **XX** та иллюстрация ва ҳар бир бобга тегишли жадваллардан (умумий 12та) ташкил топган. Шунингдек кириш, умумий хуносалар ва таклифлар ҳамда 37 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Илмий-тадқиқот ишини бажариш давомида олинган натижалар қўйдаги анжуманларда марзуа қилиниб, кенг муҳокамадан ўтган ва қўйида кўрсатилган илмий журналларда мақола сифатида чоп этилган:

1. Рахимов Б.Р., Шарипов Ж.Ш., Сойибов С.А. Қудуқларни цементлаш жараёнида самарали тампонаж материалларини танлаш усуслари. Актуальные проблемы химической технологии. Материалы Республиканской научно-практической конференции. Бухара, 8-9 апреля 2014 г. С. 183-185
2. Рахимов Б.Р., Шарипов Ж.Ш., Сойибов С.А. Пармалаш қоришмаларини композицион материаллардан тайёрлаш технологияси ва истиқболлари.

Актуальные проблемы химической технологии. Материалы Республиканской научно-практической конференции. Бухара, 8-9 апреля 2014.г. – С. 324-326

3. Сойибов С.А., Бозоров Ф.Р. «Денгизкўл» конидаги нефт тайёрлаш қурилмаси технологик жараёнларининг физик-кимёвий асослари. “Замонавий ишлаб чиқаришнинг муҳандислик ва технологик илмий-амалий муаммолари”. Профессор-ўқитувчилар, катта илмий ходим-изланувчилар ва магистрлар илмий-амалий анжумани материаллари. Бухоро, 7-10 апрел 2015 й. – 253 б.
4. Сойибов С.А. «Денгизкўл» конининг тадқиқот натижалари. “Замонавий ишлаб чиқаришнинг муҳандислик ва технологик илмий-амалий муаммолари”. Профессор-ўқитувчилар, катта илмий ходим-изланувчилар ва магистрлар илмий-амалий анжумани материаллари. Бухоро, 7-10 апрел 2015 й. – 271 б.
5. Дустов Х.Б., Ким К.В., Сойибов С.А. Применение моделирующих систем к установкам комплексной подготовки газа. // Развитие науки и технологий. 2016. №1. – 76-82 б.
6. Сойибов С.А. Подготовка нефти и газа на нефтегазовых месторождениях в период падающей добычи. // Молодой учёный. 2016, №2 (106), – С 282-283.
7. Сойибов С.А., Сатторов М.О. Подготовка продукции скважин на Бухара-Хивинском регионе в период падающей добычи. // Наука, техника и образование. 2016, №2 (20), – С 70-72.
8. Сойибов С.А., Дустов Х.Б. Нефтни комплекс тайёрлаш қурилмаларида нефт эмульсияларини парчалаш усуллари. “Фан, таълим ва ишлаб чиқариш инновацион ҳамкорлигини ривожлантириш муаммолари ва ечимлари”. Илмий-амалий анжуман тезислари тўплами. Бухоро, 26-30 апрел 2016 йил. – 36-38 б.

## **I боб. НЕФТНИ ТАЙЁРЛАШ ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ АНАЛИТИК ШАРҲИ**

### **1.1. Нефтни комплекс тайёрлаш қурилмалари тўғрисида умумий маълумот**

Нефт қудукларидан қазиб олинаётган маҳсулот тўғридан-тўғри қайта ишлаш учун жўнатилмайди, яъни у тоза нефт ҳисобланмайди. Қудукдан нефт билан бирга қатlam суви, йўлдош (нефт) газлари, механик аралашмаларнинг (тоғ жинслари бўлакчалари, қотган цемент грнулалари ва б.) қаттиқ заррачалари кўшилиб келади.

Қатlam сувлари – 300 г/л гача тузлари бўлган, шунингдек бошқа минераллари ҳам бўлган кучли минералланганмуҳитdir. Қазиб олинаётган нефт таркибидаги қатlam сувларининг микдори коннинг охирги ишлаш муддатларида 80% гача етиши мумкин.

Минералланган сув ўз йўлида қувурларнинг юқори коррозион емирилишини чақириши билан бир қаторда сақловчи идишлар, резервуарлар ва тизимдаги бошқа жиҳозларининг хизмат муддатини кескин камайтиради.

Қудук тубидан нефт билан бирга юқори босим ва катта тезликда ҳаракатланаётган қаттиқ заррачалар эса қувурлар ва жиҳозларнинг емирилишига олиб келади ва ишдан чиқаради.

Қазиб олинаётган нефт таркибидаги йўлдош (нефт) газлари хом ашё ва ёқилғи сифатида ўзининг қийматига эга бўлиб ажратиб олишга лойиқдир.

Демак, нефтни қайта ишлаш учун магистрал қувурлар орқали жўнатишдан олдин тузсизлантириш, сувсизлантириш, газсизлантириш ва механик аралашмалардан тозалаш мақсадида маҳсус тайёрланиши ҳам техник, ҳам иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Конларда нефтни йиғиш тизими қудукдан то нефтни тайёрлаш қурилмалари гача бўлган қувурлар, ўлчов асбоблари ва йиғиш пунктларини ўз ичига олади.

Нефтни қудуқлардан йиғиш ва тайёрлашнинг бир неча тизимлари мавжуд.




**2-расм. Замонавий нефтни комплекс тайёрлаш қурилмасиининг умумий кўриниши**

**2-жадвал**

**Замонавий нефтни комплекс тайёрлаш қурилмаларининг асосий тавсифлари**

	Нефт бўйича ишлаб чиқариш қуввати, млн.т/йилига	0,3; 0,5; 1,0; 3,0; 6,0; 9,0
1.	нефт бўйича, т/сут (хисоблангани)	1000; 1600; 3000; 5000; 10000; 15000; 25000
2.	газ бўйича, млн.м <sup>3</sup> /сут (хисоблангани)	0,1; 0,16; 0,3; 0,5; 1,0; 1,5; 3,0
Нефт таркибидаги сув миқдори, % масс.		
3.	—киришда	30 гача
4.	—чиқишида	0,5 гача
Нефт сифатига қўйиладиган талаблар		
5.	Тайёрланган сувдаги миқдори, мг/л	
6.	—нефт маҳсулотлари	40 гача (ва паст буюртмачи талабига асосан)
7.	—механикаралашмалар	40 гача (ва паст буюртмачи талабига асосан)

**Тазийқли Баронян - Везиров йиғиши тизими** 1946 йилда Бокулик мұхандислар томонидан яратылған бўлиб, бу тизим биринчи тўлиқ ёпиқ ҳолда ишланган нефт йиғиши ва тайёрлаш тизими бўлиб ҳисобланади (3-расм). Бу тизимда нефтни йиғиши учун қудуклар (1, 12, 13) бошидаги босимни 0,5-0,6 МПа атрофида сақлаб туриши керак бўлади. Бундай босим нефтни бошланғич йиғиши ва ўлчаш пунктларидаги қурилмаларга (3), ундан кейин эса нефтни таёйрлаш ускуналаригача етиб боришини таъминлайди.



**3-расм. Баронян-Везиров нефт йиғиши тизими.**

Агар қудуклар бошидаги босим 0,6 МПа дан ортиқ бўлса, у ҳолда бундай қудук олдида маҳсус газажраткичлар (2) ўрнатилиб, бу ерда нефтдаги эриган газ ажратиб олинниб газ йиғиши тизимига йўналтирилади.

Нефт қудукларидан чиқиб йўналтирувчи қувурлар орқали ўлчаш асбобига (3) етиб келади. Бу ерда ҳар бир қудук маҳсулотининг миқдори навбатма-навбат ўлчанади. Бир ўлчов асбобига еттитагача қудук уланиши мумкин. Ўлчов асбобидан ўтгандан кейин ажратилған газ маҳсус ажраткичга (5) юборилиб, у ерда 0,1 МПа босимгача газдан нефт томчилари ажратиб

олинади ва газ газқуриткичга йўналтирилади. Бу ерда газ қуритилиб, тозалангандан сўнг юқори босимли компрессорларга (11) йўналтирилади. Компрессорларда (11) газ юқори босимгача сиқилади ва газдаги конденсатни ажратиб олиш учун яна бир газажраткичга (10) йўналтирилади. Бу ердан чиқкан тўлиқ тозаланган газ, газни қайта ишлаш заводига ёки газкўтаргич усули билан ишлаётган қудуқларга (13) юборилади.

Ўлчов асбобларидан чиқкан нефт тиндиргичларга (6) йўналтирилади. Бу тиндиргичларда (6) нефтдан сув ва қаттиқ моддалар (кум) ажратиб олинади. Тозаланган нефт катта ҳажмдаги маҳсус сақлагичларга (7) юборилади. Тайёр маҳсулот ҳолдаги нефт сақлагичлардан (7) нефтни қайта ишлаш заводига ёки темир йўлдаги нефт қуийш эстакадаларига нефт қувурлари орқали насос станцияси ёрдамида ҳайдалади.

Тиндиргичлардан (6) ажратиб олинган сув ва қум биргалиқда кумажраткичга (8) келиб тушади. Бу ерда қум сувдан ажратиб олинади, сувни маҳсус сув йигиладиган ҳовузларга жўнатилади. У ерда сув юзида йигилган нефт насослар орқали тортиб олиниб тиндиргичларга юборилади.


Баронян - Везиров йиғиш тизими Озарбайжон, Туркманистон каби давлатлардаги конларда ҳозиргача сақланиб қолган.

**Грозний нефт институтида лойиҳаланган йиғиш тизими** ўз ичига тўрт йирик бутланган тизимларни биритирган бўлиб, Баронян - Везиров йиғиш тизимидан замонавийлиги, қулайликлари ва маҳсулот йўқотилишлар минимумгача камайтирилганлиги билан фарққилади (4-расм).

Тўрт йирик бутланган тизимга гурухий ўлчагич қурилмаси, биринчи босқич газсизлантириш қурилмаси (керак бўлган ҳолларда), марказий газсизлантириш қурилмалари ва нефтни мужассам тайёrlаш қурилмалари киради.

Бу йиғиш тизимида юқори босимидағи фаввора усули билан ишлаётган қудуқлар (1) бошида 6-7 МПа босим сақланиб турилади, бунинг натижасида нефт гурухий ўлчагич қурилмасигача (2) ва ундан кейин биринчи босқич газсизлантириш қурилмасига (3) ҳамда нефтни тайёrlаш тизимларигача ўз

босими билан етиб бориши таъминланади. Қудуқлар бошидан 6-7 МПа босим сақлаб турилиши нефтни тайёрлаш тизимини 100 км масофагача узоқликда ўрнатиш имкониятини беради.



**4-расм. Грозний институтининг йиғиши тизими**


Гурухий ўлчагич қурилмасида (2) 14 тагача қудуқларни маҳсул микдори ўлчаниши мумкин. Гурухий ўлчагич қурилмасидан нефт, агар эриган газ микдори жуда катта бўлса биринчи босқич газсизлантиргичга йўналтирилади. Бу ерда дастлабки ажратиб олинган газ тўғри газни қайта ишлаш заводига (4) ёки бошқа бир истъемолчига юборилади. Нефт биринчи босқич газсизлантиргичдан ўтгандан сўнг марказий газсизлантириш қурилмаларига (5) йўналтирилади. Бу ерда нефт уч босқичли газсизлантириш жарёнидан ўтади. Ажратиб олинган газни ўзи хам унда эриган ҳолда бўлган оғир карбонсувчиллардан (конденсат, нефт заррачалари) тозаланади, қуритилади ва газни қайта ишлаш заводига (4) ёки истъемолчига юборилади. Газсизлантирилган нефт эса нефтни мужассам тайёрлаш қурилмаларига (6) етиб келади. Бу ерда сув ва қум заррачаларидан тозаланиб, тайёр маҳсулот ҳолига келтирилади ва бу ердан нефтни қайта ишлаш заводларига ёки темир йўл нефт қувиш эстакадаларига қувур орқали жўнатилади.

Грозний нефт институтининг йиғиши тизимини ўзига хослиги – бу күдукдан чиқаётган нефт, газ ва сувли суюқлик бир катта қувур орқали узоқ масофага (100 км. гача) узатилиши бўлиб, бундай узатишда қувурдаги оқимни узлуксизлигига, оқимни ҳайдаш тарзига катта аҳамият берилади.

Бундай тизимдаги нефт йиғиши, узатиш ва тайёрлаш Шимолий Кавказ ва Украина конларида кўпроқ қўлланилади.

Бу тизимнинг яна бир афзаллиги 100 км радиусда жойлашган бир неча конлар учун тайёрлаш тизимларини бир жойда бутланган ҳолда қуриш мумкинлигидадир.

**Йиғишининг тазиикли Гипровосток тизими** нефт йиғиши ва тайёрлаш жараёнларини янада йириклиштириш, бир ерда мужассамлаштириш ва маҳсулотларни (нефт, газ, конденсат) босим етарли бўлмаган ҳолда алоҳида жўнатиш учун яратилган (5-расм).



**5-расм. Гипровосток нефт йиғиши тизими**

Бу тизим қўлланилганида күдуклар бошида 1,0-1,2 МПа атрофида босим сақланиб турилади. Қүдукларнинг (1) маҳсулот гурӯхий ўлчагич курилмасидан (2) ўтганидан кейин биринчи босқич газсизлантириш курилмасига (3) етиб келади. Бу ерда ажратиб олинган газ ўз босими билан 60-80 км. масофагача узоқликда бўлган газни қайта ишлаш заводига (5) юборилади, нефтни насос станцияси (4) орқали марказий нефт йиғиши жойида

хисобдан ўтказилиб, нефтни мужассам тайёрлаш қурилмаларида тайёр маҳсулот ҳолига келтирилиб, истъемолчиларга жўнатилади.

Гипровосток тизими кўпроқ Россиянинг Волгабўйи (Саратов, Волгоград туманлари) Урал олди конларида, ҳамда Татаристон, Башқирдистон конларида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Юқорида кўриб чиқилган нефт йиғиш, тайёрлаш ва узатиш тизимлари маълум бир шарт-шароитларга (кудуқларни ишлатиш усули ва кудук усти босими), шунингдек географик ҳудудларга мўлжалланиб яратилган. Ғарбий Сибир шароитлари учун ҳам мўлжалланган тизим мавжуд бўлиб, бу тизим географик муҳитнинг табиий шарт-шароитларини (ўрмонзорлар, ботқоқликлар, паст ҳарорат, доимий музлик ва ҳ.к.) хисобга олгандир.


Булардан ташқари ҳар қандай шарт-шароитларга, географик ҳудудларга мўлжалланган нефт йиғиш, тайёрлаш ва узатиш универсал тизимнинг кондан олинаётган маҳсулотни (нефт, газ, конденсат) тўлиқ бир-биридан ажратиб олиш, тайёрлашнинг технологик жараёнидаги йўқотишиларни минимумга олиб келиш ва тайёрлаш жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш ёки компьютер орқали бошқаришгacha имконияти мавжуд.

Ана шундай универсал тизим энг охирги замонавий изланишлар натижаларини хисобга олган ҳолда республикамиздаги “Денгизкўл”нефтгазконденсат конида қурилган. “Денгизкўл”нефт хошияли газоконденсат кони бўлганлиги учун бу ерда нефт ва газ йиғиш тизимлари алоҳида-алоҳида қилиб қурилган.

## **1.2. Конларда нефтни йиғиштизимларининг турлари**

Ҳозирги вақтда конларда маҳсулот йиғиш тизимларининг қўйидаги турлари мавжуд: кўш қувурли ўз оқувчи йиғиш тизимларида (6-расм) кон маҳсулоти дастлаб 0.6 МПабосимда ажратилади. Бунда ажралиб чиқсан газ хусусий босими билан компрессор станциясигача ёки газни қайта ишлаш

заводигача (ГҚИЗ) узатилади, агарда у яқинроқда жойлашган бўлса. Суюқ фаза эса сепарациянинг иккинчи босқичига йўналтиради. Бу ерда ажралган газ хусусий эҳтиёжлар учун фойдаланилади. Нефт сув билан биргаликда ўз оқими билан (нивелир баландликлар фарқи ҳисобига) участка йиғув пунктидаги (УЙП) резервуарга келиб тушади ва уердан насос орқали марказий йиғиш пункти (МЙП) резервуарларига узатилади.



**6-расм. Кўш қувурли ўзи оқувчи йиғиш тизимининг принципиал схемаси.**


**1-қудуклар; 2– 1-босқич сепаратори; 3–босим ростлагиши; 4-газ қувури; 5–2-босқич сепаратори; 6-резервуарлар; 7-насос; 8-нефт қувурлари;**

Суюқлик ўз оқими билан келиб турувчи тизимларда суюқликни узатиш учун сарфланадиган харажатлар камаяди. Бироқ бундай йиғиш тизимларининг бир қанча салбий томонлари ҳам мавжуд:

- кудук дебити ёки суюқликнинг қовушқоқлиги ортиши билан тизим реконструкцияга муҳтож бўлади;
- қувурларда газ йиғилиб қолишининг олдини олиш учун нефтни чуқур газсизлантириш керак бўлади;
- суюқлик харакатининг секинлиги туфайли қувурларнинг парафинланиши содир бўлиб, уларнинг ўтказувчанлигини ёмонлаштиради;
- резервуарларнинг ногерметиклиги бу тизимда қазиб олинаётган нефтга нисбатан 2 ... 3 % углеводородларнинг йўқолишига олиб келади.

Шу сабали суюқлик ўз оқими билан келиб турувчи, қүш қувурли ўзи оқувчи тизимлар ҳозирги вақтда жуда кам конларда қўлланилади.

**Юқори тазийкли якка қувурли йиғиш тизими** Грозний нефт институти томонидан таклиф қилинган (7-расм). Унинг ажралиб турувчи хусусияти шундан иборатки, қудук маҳсулоти қудук усти юқори босими (6 ... 7 МПа гача) таъсирида бир неча ўнлаб километр масофага узатилиши мумкин. Юқори тазийкли якка қувурли тизимларини қўллаш участка йиғув пунктларидан воз кечиб, нефтни сепарациялаш жараёнини марказий йиғув пунктларида ташкил этиш имконини беради. Бунинг ҳисобига технологик қурилмаларни максимал даражада бир жойда тўплаш, йиғиш пунктларини йириклаштириш ва уларни марказлаштириш, нефтгаз йиғиш тармоғи учун сарфланадиган металл ва энергия микдорини камайтиришга эришилади. Кон худудида компрессор ва насос станцияларини қуришга ҳожат қолмайди, конни ишлишнинг дастлабки даврларидан бошлабоқ йўлдош нефт газларини ажратиш жараёнини ўша жойнинг ўзида амалга ошириш мумкин бўлади.




**7-расм. Юқори тазийкли якка қувурли ва йиғиш тизимининг принципиал схемаси.**  
**1-қудуклар; 2-нефтгаз қувури; 3 –1-боскич сепаратори; 4 – 2-боскич сепаратори; 5- босим ростлагичи; 6-резервуарлар;**

Аралашмада газ микдорининг юқори бўлиши туфайли (ҳажм бўйича 90 % гача) нефтгаз йиғиш қувурларида сезиларли даражада босим пулсациясининг ҳосил бўлиши ҳамда суюқлик ва газнинг массавий сарфланиши бундай тизимларнинг асосий камчилиги бўлиб ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида қувур ўтказгичлар турғунлигининг бузилишигаолиб келади. Циклик равишда қувур металлиниң зўриқиши ва бўшаши сабабли уларнинг

ёрилишига сабаб бўлади, сепараторлар ва ўлчов-назорат асбобларининг ишига салбий таъсир қиласи.

Юқори тазиқли якка қувурли йифиш тизимларини асосан қатlam босими юқори бўлган конларда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

**Тазиқли йифиш тизими** “Гипровостокнефть” институти томонидан лойиланган бўлиб (8-расм), унда нефт ва газни қудуқдан 7 км масофагача жойлашган учустка сепараторлари гачаякка қувур орқали етказиш инобатга олинган. Шунингдек, бу тизим бир фазали ҳолатдаги газга тўйинган нефтни 100 км ва ундан кўпроқ масофада жойлашган марказий йифиш пунктларигача узатиш имконини беради.



**8-расм. Тазиқли йифиш тизимининг принципиал схемаси.**  
1-қудуқлар; 2 – 1-боскич сепаратори; 3-босим ростлаги; 4-газ қувури; 5-насослар;  
6-нефт қувури; 7 – 2-боскич сепаратори; 8-резервуар; ДНС-охирги сиқиши насос  
станцияси.

Қудуқ маҳсулоти дастлаб охирги сиқиши насос станцияси (ДНС) майдончасига етказилади, уерда 0.6 – 0.8 МПа босим остида 1-боскич сепараторларида газнинг бир қисми ажратилади ва кейинчалик компрессорсиз усулда ГКИЗ га узатилади. Шундан сўнг таркибидаги эриган гази билан билан бирга нефт марказдан қочма насослар ёрдамида МЙП га ҳайдалади ва у ердаги 2-боскич сепараторларида газ охиригача ажратиб олинади. Ажратиб олинган газ тайёрлангандан сўнг компрессорлар ёрдамида ГКИЗ га узатилади, газсизлантирилган нефт эса ўз ихтиёрий оқими билан (2-боскич сепараторлар қурилмалари 10-12 м баландликда жойлашганлиги сабабли) хом ашё резервуарларига келиб тушади.

Тазиқли йифиш тизимини қўллаш қуйидаги имкониятларни беради:

- 100 км радиусли майдонда жойлашган конлардаги нефт, газ ва сувни йиғиши ва тайёрлаш қурилмаларини бир жойда түплаш (концентрлаш) имконини беради;
- металл сарфи, капитал қурилиш ва эксплуатация харажартларни камайтирган ҳолда бу мақсадлар учун янада юқори самарадорликка эга бўлган қурилмаларни қўллаш;
- кон майдонида компрессор станциялари қурилишидан ва паст босимли газ ташишга мўлжалланган газ қувурлари ўтказишдан воз кечиши, ҳисобига металл сарфи, капитал қурилиш ва эксплуатация харажартларни камайтириш;
- нефт қувурлари ўтказувчанинги ошириш ҳамда таркибида эриган газ бўлганлиги сабабли қовушқоқлиги камайган нефтни ҳайдаш қуввати ва харажатларини камайтириш;


Тазийкли йиғиши тизимининг камчилиги қўйидагилардан иборат:

- кондан то МЙП гача биргаликда нефт ва сувни ташиш учун бўладиган катта эксплуатацион харажатлар;
- тозаланган сувни қатлам босимини сақлаш учун қатламга ҳайдаш мақсадида қайта конгача олиб бориш учун қувур ва энергия харажатлари;

**Замонавий кон маҳсулотини йиғиши ва тайёрлаш тизимлари.** Ҳозирги даврда ривожланган нефт вазиб оловчи давлатларда кўрсатилган камчиликлардан деярли холи бўлган нефт ва газни йиғиши ва тайёрлаш тизимлари қўлланилмоқда.

9-а расмда келтирилган нефтни йиғиши ва тайёрлаш тизими анъанавий тазийкли тизимдан шу билан фарқ қиласиди, уларда 1-босқич сепараторидан олдин оқимга сув-нефт эмулсиясини парчалаш мақсадида деэмульгатор реагенти киритилади. Бу эса охирги сиқиши насос станцияси (ДНС) да

кудуқ маҳсулотидан сувнинг асосий миқдорини ажратиб олиш имконини беради.



**9-расм. Замонавий кон маҳсулотини йигиши ва тайёрлаш тизимининг схемаси.**  
а) — МЙП да газга тўйинган ҳолдаги нефтни йигиши ва тайёрлаш; б) — КЙП да газга тўйинган ҳолдаги нефтни йигиши ва тайёрлаш; (белгилашлар 8-расмдагидек)

Марказий йигиши пунктида эса нефт йигиши ва тайёрлаш тизими 2-босқич сепараторидан олдин жойлаштирилади. Бунга сабаб шуки, ўзида эриган газни мужассамлаштирган нефтнинг қовушқоқлиги кичик бўлганлиги сабабли ундан сувнинг ажралиши жуда юқори даражада амалга ошади.

9-б расмда келтирилган тизимнинг ўзига хослиги шундан иборатки, нефтни йигиши ва тайёрлаш қурилмаси қудуқقا жуда яқин жойлаштирилган. НКТҚ жойлаштириладиган охирги сиқиш насос станцияси (ДНС) комплекс йигиши пункти (КЙП) дейилади.

Охирги схемада келтирилган нефтни йигиши ва тайёрлаш тизимлари қудуқлар сони кўп бўлган конларда қўлланилади.

### **1.3.Нефтни йигиш ва тайёrlашқурилмаларининг жиҳозлари.**

Нефтни конларда тайёrlаш учун ҳар хил турдаги асбоб -ускуналар ишлатилади. Бу асбоб-ускуналар нефтдан эриган газни тўлиқ ажратиб олиш, нефтни қатlam сувларидан тўлиқ тозалаш, нефт таркибидаги тузларни ювиш ва қум заррачаларини ажратиб олиш учун хизмат қилади.

Бу асбоб-ускуналарга ажраткич, тиндиргич, қиздиргич, совутгич, аралаштиргич, электродегидратор, сақлагич ва бошқа шу кабилар киради.\*)


Ажраткичлар турли кўринишида ишлаб чиқарилади ва қўйидаги ишларни бажаради:

- 1) нефтда эриган газни ажратиб олади;
- 2) нефтгаз оқимини аралашишини камайтиради ва шу билан гидравлик қаршиликларни пасайтиради;
- 3) нефтгаз аралашмасини ҳаракатидан ҳосил бўлган кўпикларни йўқотади;
- 4) нефтдан сувни ажратиб олади;
- 5) оқим ҳаракатини номунтазамлигини йўқотади;
- 6) маҳсулотни ўлчайди.

Ажраткичларнинг қўйидаги таснифлари мавжуд:


- а) ишлатилиш мақсади бўйича-ўлчовчи-ажратувчи ва ажратувчи;
- б) геометрик шакли бўйича - цилиндриқ, шарсимон;
- в) ўрнатилишга қараб - тик, қия ва ётиқ;
- г) асосий ажратиш учун таъсир этувчи кучлар бўйича - гравитация, марказдан қочма ва инерция кучлари;
- д) ишлатилиш босими бўйича-юқори босимли (6,4-2,5 МПа), ўрта босимли (2,5-0,6 МПа), паст босимли (0,6-0,1 МПа) ва вакуумли;
- е) уланган қудуклар сони бўйича-битта қудук учун ва қудуклар гурухи учун;
- ж) ажратадиган фазалари бўйича-икки фазали (газ-нефт) ва уч фазалик (газ-нефт-сув).

10-расмда тик нефтгаз ажраткичи ва 11-расмда ётиқ нефтгаз ажраткичларининг чизмалари келтирилган.



**10-расм. Тик ажраткич**

Тиндиргичларнинг асосий вазифаси нефт эмулсияларини қиздиргичдан чиқсан оқимини қабул қилиб олиб ундан сувнинг ажралиб чиқишини таъминлаш бўлиб ҳисобланади. Нефтдан сувнинг ажралиб чиқиши ҳар иккала суюқликларнинг зичликлари орасидаги тавофут ҳисобига бўлади. Тиндиргични остки қисмида сув йиғилади ва сувни юзасига нефт ажралиб чиқади. Тиндиргич остига қум заррачалари ҳам ўтириб қолади. Тиндиргичдан сув чиқариб юборилаётганда қум заррачалари ҳам сув билан бирга чиқиб кетади ва маҳсус тозалагичда сувдан ажратиб олинади.



**11-расм. Ётиқ ажраткич**

Қиздиргичлар ва совуткичлар күпроқ газ тайёрлашда ишлатилади. Улар газдаги конденсатни ажратиб олиш ва газни меъёрий ҳолатга келтириш учун хизмат қиласи.

Аралаштиргичда нефтни чучук сув билан аралаштирилиб, унинг таркибидағи тузлар ювилади.

Электродегидраторлар нефт билан бирга эмулсия ҳолда чиққан қатлам сувларини ажратиб олиш учун хизмат қиласи. Эмулсияни парчалаш (ёки сувни ажратиб олиш) махсус электродларга электр қуввати юборилиши натижасида сув томчилар бир-бири билан бирлашиб кетади ва секин-аста электродегидратор тәгига ажралиб чиқади.

Эмульсия ҳолатидаги нефт-сув аралашмасини парчалаш учун деэмулсация аппаратларидан ҳам фойдаланилади. Бу аппаратларда махсус реагентлар - деэмулгаторлардан фойдаланилган ҳолда эмулсиялар парчаланади.

Сақлагичлар – резервуарлар тайёр нефт махсулотини вақтинге аныктырып өткізу үшін омборхона сифатида күлланилади.

Нефт конларида одатда 100, 200, 300, 400, 700, 1000, 2000, 3000, 5000 м<sup>3</sup> ҳажмдагилари ишлатилади. Темир йўл нефт қўйиш эстакадасига қарашли омборхоналарда 7500 ва 10000 м<sup>3</sup> ли сақлагичлар ҳам қурилиши мумкин.

## **1.4. Тайёрланганинефтни узатиш усуллари**

Одатда нефт ва газ конлари уларни қайта ишлайдиган заводларидан ёки бошқа турдаги истеъмолчилардан узоқда жойлашган бўлади. Шунинг учун нефт ва газни истеъмолчига етказиб бериш катта куч ва маблағ талаб қиласди. Нефт ва нефт маҳсулотларини ташиш ва узатишнинг қуидаги асосий усуллари мавжуд:

- сув йўллари орқали;
- қуруқлик йўллари орқали (авто- ва темир йўл орқали ташиш);
- қувурлар орқали;

Нефт қувурлари орқали нефтни узатиш энгкенг тарқалган усул бўлиб, бошқа ҳамма усуллардан энг арzonлиги, узлуксизлиги билан ажралиб туради. Бу усул билан катта ҳажмдаги нефт ва нефт маҳсулотларини (бензин, керосин, дизел ёқилқиси ва ҳ.к.) йил давомида ҳеч қандай қийинчиликларсиз ташишни уюштириш мумкин. Бу усул билан нефт ташилганда асосий харажатлар нефтни ҳайдовчи насос станциялари фаолиятига ва нефт қувурининг техник ҳолатини текшириб туришга сарф бўлади.

Қувур орқали ташишнинг қолган барча усуллардан афзалликларини қуидагилар орқали ифодалаш мумкин:

1. Катта ҳажмдаги нефт ва нефт маҳсулотларини узлуксиз ҳолда етказиб берилади.
2. Бир қувурдан нефт ва унинг маҳсулотларини етказиб бериш имконияти мавжуд.
3. Қувурларни ҳар қандай географик шароитда ва хоҳлаган масофага қуриш мумкин.
4. Бу усул билан нефт ташилганда технологик йўқотишлар энг кам миқдорни ташкил қиласди.
5. Бу усул энг ишончли, ишлатиш учун қулай ва содда, автоматлаштиришга мойил бўлганлиги билан ажралиб туради.

Газни узатиш фақат қувурлар орқали ташкил қилинади. Шуни айтиб ўтиш керакки, охирги пайтда қувурлар орқали суюлтирилган газни ташиш ҳам самарали эканлиги амлда тасдиқланди.

Нефт қувурлар орқали узоққа узатилганида улар магистрал қувурлар деб юритилади. Магистрал нефт қувурлари бошланғич насос станциясидан (одатда кондаги ёки бир неча конларнинг умумий тайёр маҳсулот омборидан) нефтни қайта ишлаш заводигача ёки темир йўл нефт қувиш эстакадаси омборигача бўлган масофада қурилади. Булар орасидаги масофага қараб нефтни ҳайдовчи бир ёки бир неча станциялар бўлиши мумкин. Магистрал нефт (газ) қувурлари катта диаметрдаги (500-1200мм) қувурлардан қурилиб, бошланғич насос станциясидаги ҳайдаш ишчи босими 5,0-6,5 МПа атрофида сақланади.

Ўзбекистонда Фаргона водийсидаги конлардан Фарғона ҳамда Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводларига, Кўқдумалоқ конидан Бухоро нефтни қайта ишлаш заводига нефт ва конденсатни етказиб бериш қувурлар орқали ташкил қилинган. Шунинг учун нефт қувурларининг асосий хоссалари ва тавсифлари тўғрисида батафсил тўхталамиз.

Нефт узатувчи қувурлардаги оқим бир фазали (фақат нефт), икки фазали (нефт ва газ ёки нефт ва сув) ҳамда кўп фазали (нефт, газ ва сув) бўлиши мумкин. Ҳар қандай фазали оқимда икки хил қўринишдаги ламинар ва турбулент оқимлиҳаракат бўлиши мумкин.

Оқимларнинг қайси хилдаги бўлиши ўлчов бирлигисиз Рейполдс кўрсатгичига боғлиқ.

$$R = (V \cdot d) / v, \quad (1.1)$$

бу ерда  $V$  - қувурдаги суюқликнинг ўртача тезлиги;  $d$  - қувурнинг ички диаметри;  $v$  - суюқликнинг кинематик қовушқоқлиги.

Ўтказилган кўплаб тажрибалар шуни кўрсатадики, агар  $Re < 2320$  бўлса оқим ламинар, агар  $Re > 2800$  бўлса оқим турбулент ва  $2320 < Re < 2800$  бўлган тақдирда ҳар икки хил оқимлар орасидаги ўтиш ҳолатдаги оқим мавжуд экан.

Қувурлардан суюқлик ҳаракат қилганда қувурнинг узунлиги бўйича суюқлик ҳайдалаётган босимнинг секин - аста пасайиб бориши кузатилади. Бундай ҳолат асосан суюқлик ҳаракати вақтида қувур ичидаги ғадир - будирликларда ишқаланишга сарф бўладиган қаршиликлар натижасида ҳосил бўлади. Шунингдек, босимнинг пасайиши қувур диаметрига, қувурнинг ички деворлари ҳолатига, ҳамда қувурнинг бошланғич ва охирги нуқталарини бир-биридан қанчага фарқ қилишига (баландлиги бўйича) боғлиқ. Ҳайдалаётган босимнинг юқорида кўрсатиб ўтилган омилларга боғлиқлиги қувур тавсифи деб юритилади.

Одатда қувурларни гидравлик ҳисоблашлар қувур диаметрини, бошланғич ҳайдаш босимини ёки суюқлик ўтказувчанлик қобилиятини ҳисоблашлардан иборат бўлади.

Бу ҳисоблашларни бажариш умумий гидравликанинг асосий қонуни - Бернулли тенгламаси асосида олиб борилади. Яъни:

$$(Z_1 + P_1/\rho g + V_1^2/2g) - (Z_2 + P_2/\rho g + V_2^2/2g) = h_{cK} + h_{MK}, \quad (1.2)$$

Бу ерда:  $Z_1, Z_2$  - қувур бошланғич ва охирги нуқталарининг тик бўйича жойлашиш ҳолати;  $P_1, P_2$  - қувурнинг бошланғич ва охирги нуқталардаги босим;  $V_1, V_2$  - қувурнинг бошланғич ва охирги нуқталардаги суюқликнинг тезлиги;  $\rho$  - суюқлик зичлиги;  $g$  - эркин тушиш тезланиши;  $h_{cK}$  - қувурдаги сирпаниш қаршиликлари;  $h_{MK}$  - маҳалий қаршиликлар.

Бернулли тенгламасидаги қавс ичидаги йиғиндиларни ҳар бири маълум бир физик катталикларни билдиради. Биринчи йиғинди ( $z$ ) геометрик тазиқни, иккинчи йиғинди ( $p/\rho g$ ) пъезометрик тазиқни ва учинчи йиғинди ( $v^2/2g$ ) тезлик тазиқини билдиради. Бу тазиқлар сирпаниш ва маҳаллий қаршиликларни енгиб ўтишга сарф бўлади.

Сирпаниш қаршиликларни ҳисоблаш учун Дарси - Вейсбах тенгламасидан фойдаланилади, яъни

$$h_{cK} = \lambda \cdot \frac{1}{d} \cdot V^2 / 2g \quad \text{ёки} \quad h_{cK} = \lambda \cdot \frac{1}{d} \cdot \rho \cdot V^2 / 2 \quad (1.3)$$

бу ерда  $\lambda$ - Рейнолдс күрсаткичига боғлиқ бўлган гидравлик қаршилик коэффициенти;  $l$  - қувур узунлиги;  $d$  - қувурнинг ички диаметри.

Тенгламадаги гидравлик қаршилик коэффициенти ( $\lambda$ ) ламинар оқим учун

$$\lambda = 64/Re = 64v/V \cdot d, \quad (1.4)$$

турбулент оқим учун

$$\lambda = 0,3164/Re^{0,25} \quad (1.5)$$

кўринишдаги тенгламалар орқали аниқланади. Бу ерда  $v$ - суюқликнинг кинематик қовушқоқлиги.

Гидравлик қаршилик ( $i$ ) сирпанишга сарф бўладиган тазиёқни қувур узунлигига бўлган нисбатини билдиради:

$$i = h_{cr}/l = \lambda/d \cdot V^2/2g, \quad (1.6)$$

Агар (6) - тенгламага  $\lambda$  ни (4) ва (5) тенгламалардаги қийматини қўйиб, содда-лаштиурсак, ламинар ва турбулент оқимлар учун гидравлик қаршилик аниқланади:

$$a) \text{ ламинар оқим учун } i = a \cdot v Q / d^4, \quad (1.7)$$

$$b) \text{ турбулент оқим учун } i = b \cdot v^{0,25} \cdot Q^{1,75} / d^{4,75} \quad (1.8)$$

Махаллий қаршиликларни ҳисоблашда қувурларда ўрнатилган сурilmалар, тескари тўсқичлар, бурилишлар каби қисмларни назарда тутиш керак бўлади, чунки айнан ана шундай қисмларда маҳаллий қаршиликлар ҳосил бўлади.

Махаллий қаршиликлар:

$$h_{mk} = \epsilon \cdot V^2/2g, \text{ ёки } h_{mk} = \lambda \cdot l_m/d \cdot V^2/2g \quad (1.9)$$

тенгламалари орқали аниқланади.

Бу ерда  $\epsilon$  - маҳалий қаршиликларни ҳисобга олувчи коэффициент;

$l_m$  - маҳалий қаршиликлар ҳосил бўлган қувурбўлаги узунлиги.

Насос ва компрессор станциялари суюқлик узатувчи магистрал қувурлардаги шунингдек, конларда нефтни итайёrlаш тизимларининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

## **1.5. Суюқлик узатувчи магистрал қувурлардаги насос ва компрессор станциялари**

**Насос станциялари.** Қувурлардан суюқликни ҳайдовчи насос станциялари энг мураккаб иншоотлар турига киради. Насос станция таркибига насослар, сақлагич омбори, механик устахона, электр энергия подстанцияси, қозонхона, сув таъминоти тизими, канализация тизими, хар хил турдаги бинолар киради.

Нефт ва нефт маҳсулотларини қувурлардан ҳайдаш учун поршенли ва марказдан қочма насослар ишатилади.

Поршенли насослар юқори фойдали иш коэффициентига эга бўлиб, у юқори қовушқоқликдаги суюқликларни ҳайдаганда ҳам ўзгармайди. Бундай насосларда ҳосил бўладиган тазийқ сарфга боғлиқ эмас. Шу билан бирга поршенли насосларнинг бир неча камчиликлари ҳам мавжуд. Булардан асосийлари - юқори босимли, катта сарфга эга бўлган насосларнинг габарит ўлчамлари жуда катта бўлади, бунинг натижасида насоснинг массаси ҳам кескин ошиб кетади. Бундай катта габаритдаги ва ўта оғир бўлган насослар учун қуриладиган насос станцияси биноси ҳам жуда катта ва мстаҳкам бўлиши керак. Шунингдек, поршенли насосларда ҳайдалаётган суюқлик оқими бир маромда бўлмайди, агар суюқликларда механик зарралар бўлса насосни ишдан чиқишига олиб келади.

Марказдан қочма насослар поршенли насосларга нисбатан бир қанча афзалликларга эга. Нисбатан кичик қобиқда катта тазийқ ва сарфли насослар яратиш мумкин, йўналтирувчи қувур ёпиқлигига ҳам ишга тушириб юбориш мумкин, насос ўқини тўғридан-тўғри электр юриткич ўқига улаш мумкин, яъни қўшимча узатгичларга ҳожат йўқ. Йўналтирилаётган суюқлик микдорини секин-аста ўзgartириб бориш мумкинлиги, габаритлари унча катта бўлмаганлиги ҳамда суюқлик таркибида механик моддалар бўлса ҳам ҳайдаш мумкинлиги марказдан қочма насосларни кенг қўлланилишига сабаб бўймоқда.

Магистрал нефт қувурларидаги насос станциялари жуда катта мураккаб иншоот бўлганлиги туфайли бундай станцияларни бошқариш ва хизмат кўрсатиш учун қўшимча устахона, омборхона, сув ва канализация таъминоти тизимлари ҳам қурилиши керак бўлади.

Асосий иншоотлардан ҳисобланган омборхона одатда бир неча (4-6 та) 5000-10000 м<sup>3</sup> ли сақлакичлардан иборат бўлади. Шунингдек, насос станциялар ёнғиндан сақланиш учун маҳсус очик сув ҳовузлари ва бошқа керакли асбоб-ускуналар билан таъминланган бўлиши керак.

**Табиий газ узатувчи магистрал қувурлардаги компрессор станциялари.** Нефт ва газ саноатида компрессорлар жуда кенг қўлланилади. Масалан, газ саноатида магистрал газ қувурларида, конларда қудуқлардан чиқаётган газни йиғиш, ер ости газ омборларига газ ҳайдаш, узоқ масофага узатувчи қувурларни синаш учун ва бошқа мақсадларда ишлатилса, нефт саноатида қатламга газ ҳайдаш, қудуқларни газ кўтаркич усули билан ишлатиш, қудуқларни ишга тушириш учун ишлатилади.

Компрессорларнинг халқ хўжалигига жуда кенг ишлатилишига кўра поршенли ва марказдан қочма компрессорлар тузилишига, ишлаш тарзига, кувватига ва бошқа омилларига қараб бир қанча турлари мавжуд.

Газомотокомпрессорлар, газ ҳайдагичлар, вентиляторлар, ротацион ва винтли компрессорлар ҳам мавжуд бўлиб, улар газ ҳайдашни ҳар хил шароитларида ишлатилади. Шунингдек, компрессорларнинг кўчма (яъни катта юк автомобилларга ўрнатилгани) ва муҳим (яъни бир ерга ўрнатилган) ҳолда ишлатиладиган турлари ҳам мавжуд.

Компрессор станциялари қандай мақсадларда қурилишидан қатъий назар қўйидаги иншоотлардан ташкил топган бўлади:

- 1) машина зали – компрессорлар маҳсус пойдеворларга ўрнатилган бўлиб, керакли ўлчов асбоблари, кўтариш кранлари ва бошқа қўшимча механизmlар билан бутланган бўлади;
- 2) совутиш учун сув ҳайдайдиган насос станцияси;

- 3) иссиқ сувни совутадиган қурилма (градирня), иссиқ сув тўпланиши учун маҳсус сақлагич ва совуқ сув йиғиб қўиладиган ҳовуз;
- 4) газтозалагич, майажратгич ва бошқа маҳсус асбоб-ускуналар ўрнатилган алоҳида майдонча;
- 5) электртрансформатор ва электртақсимлагич ўрнатилган маҳсус майдонча;
- 6) механик устахона, омборхона, ишчи ходимлар учун дам олиш, кийиниш ва ювиниш хоналари каби қўшимча бинолар.

Табиий газ узатувчи магистрал қувурларида маҳсус ҳисоблашлар орқали газ ҳайдовчи компрессор станцияларининг сони ва жойлашиш нуқталари аниқланади. Компрессор станцияларини қуришдан асосий мақсад табиий газни узоққа узатиш бўлиб, улар қурилиши бўйича мураккаб иншоот ҳисобланади. Одатда компрессор станциялари орасидаги масофа лойиҳа ишлари бўйича аниқланади, лекин газ магистрал қувури ўтказиладиган географик шароитлари, ҳайдалаётган газнинг қувур бошланиши ва охиридаги босими, электр ва сув таъминоти каби омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳар 100-150 км. да қурилиши мумкин.

Компрессорлар ҳам худди насослар каби поршенли ва марқаздан қочма турда ишлаб чиқарилмоқда.

Поршенли компрессорлар марқаздан қочма компрессорга нисбатан юқори фойдали иш коэффициентига эга, жуда катта босимларгача (100МПа. дан юқори) сиқиб, таъмирлаш ишлари ораси узок бўлиши, атроф муҳит шароити ўзгариши (харорат, босим) компрессор қувватига таъсир кўрсатмаслиги ва бошқа шу каби омиллар бўйича афзалликларга эга.

Марқаздан қочма компрессор конструктив тузилиши бўйича турли кўринишларга эга. Бундай компрессорларда ҳайдалиши керак бўлган газнинг кинетик энергияси потенциал энергияга айлантирилиб, юқори босим ҳосил қилинади.

## **II боб. НЕФТ ВА ГАЗЛАРНИ БИРЛАМЧИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

### **2.1. Конларда тайёрланган нефт маҳсулотлариға қўйиладиган талаблар**

Нефт ва газни конда йиғиш, тайёрлаш ва узатиш узлуксиз жараён бўлиб, бунда қудуқдан чиққан маҳсулотни истъемолчига жўнаташдан олдин давлат стандартлари талаблариға мос ҳолга келтириш керак бўлади.

Нефт ер остидан чиқаётганида ўз таркибида ҳар хил тузлар, тоғ жинсининг майда заррачалари, табиий газлар ва сувни бирга олиб чиқади. Шунинг учун нефт қудуқдан чиққанидан кейин коннинг ўзида маҳсус тайёргарликдан ўтказилиб тайёр маҳсулот ҳолига келтирилиши керак.

Тайёр нефт маҳсулоти давлат стандарти бўйича маълум бир талабларга жавоб бериши керак. Нефтни конда тайёрланганлик даражасига кўра уч гурухга бўлинади. Ана шу гурухларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар 3-жадвалда келтирилган.

#### **3-жадвал**

#### **Тайёр нефт маҳсулотининг физик кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Гурухлар		
	1	2	3
1. Хлор тузларининг миқдори мг/дм <sup>3</sup> дан ошмаслиги керак	100	300	900
2. Сувнинг масса миқдори, % дан ошмаслиги керак	0,5	1,0	1,0
3. Тоғ жинси заррачалари, % дан ошмаслиги керак	0,05	0,05	0,05
4. Буғнинг тўйинганлик босими, кПа (мм. Симоб уст.) дан ошмаслиги керак	66,7 (500)	66,7 (500)	66,7 (500)

Таркибидаги олтингугуртнинг масса миқдори бўйича тайёр нефт қуидаги синфларга бўлинади:

- 1 – камолтингугуртли - 0,60% гача;
- 2 – олтингугуртли - 0,61 дан 1,80% гача;

3 – юқори олтингугуртли - 1,80% дан юқори.

Шунингдек, тайёр нефт 20°C даги зичлиги бўйича ҳам қуидаги учсинфга бўлинади: 1 – енгил, 850 кг/м<sup>3</sup> гача; 2 – ўртача, 851 дан 885 кг/м<sup>3</sup> гача;

3 – оғир, 885 кг/м<sup>3</sup> дан юқори.

#### 4-жадвал

#### Тайёр нефт маҳсулотларига қўйиладиган талаблар

Кўрсаткичлар	Син фла ри	Тур лари	Гурухлар			Кўриниши		
			1	2	3	1	2	3
<b>Олтингугуртнинг массавий улушки, %</b>								
до 0,6 — кам олтингугуртли	1							
0,6...1,8 — олтингугуртли	2							
1,8...3,5 — юқори олтингугуртли	3							
болеे 3,5 — ўта юқори олтингугуртли	4							
<b>20°C ҳароратдаги зичлиги, кг/м<sup>3</sup>:</b>								
830 гача — ўта енгил		0 (0 <sub>Э</sub> )						
830,1...850,0 — енгил		1 (1 <sub>Э</sub> )						
850,1...870,0 — ўртача оғирликда		2 (2 <sub>Э</sub> )						
870,1...895,0 — оғир		3 (3 <sub>Э</sub> )						
895,0 дан юқори — битуминоз		4 (4 <sub>Э</sub> )						
Сувнинг массавий улушки, % дан кўп эмас			0,5	0,5	1,0			
Хлорли тузлар концентрацияси, мг/дм <sup>3</sup> дан кўп эмас			100	300	900			
Механик аралашмалар миқдори, мас.нис %, дан кўп эмас			0,05	0,05	0,05			
<b>Тўйинган буғлар босими:</b>								
кПа			66,7	66,7	66,7			
Мм.сим. устуни			500	500	500			
<b>Массавий улушки, % дан кўп эмас</b>								
Водородли олтингугурт (H <sub>2</sub> S)						20	50	100
метил- ва этилмеркаптанлар						40	60	100

Хар бир нефт қазиб чиқарувчи корхона ана шу талабларга мос қилибтайёрланган нефтни истеъмолчига жўнатиши керак. Агар жўнатилган тайёр нефт маҳсулоти юқорида кўрсатилган талабларга жавоб бермаса, у ҳолда истеъмолчи томонидан нефт топширган корхонага нисбатан рекламация (маҳсулотнинг сифатсизлиги ва бунинг натижасида кўрилган зарарни тўлаш ҳақидаги даъво) бериши мумкин.

Нефтнинг сифатига қараб унинг нархи белгиланади, шунинг учун ҳам нефт қазиб чиқарувчи ташкилотлар нефтни иложи борича юқори сифатли ҳолда (1-гуруҳ нави) топширгани мақсадга мувофиқдир.

Худди шунингдек, табиий газларга ҳам маълум талаблар қўйилган бўлиб, улардан асосийлари қуидагилардир:

1. Водород сульфиднинг ( $H_2S$ ) масса миқдори  $0,02 \text{ г}/\text{м}^3$  дан ошмаслиги керак;
  2. Меркаптанли олтингугуртнинг масса миқдори  $0,036 \text{ г}/\text{м}^3$  дан ошмаслиги керак<sup>\*).</sup>;
  3. Кислороднинг ҳажм миқдори  $1,0\%$  дан ошмаслиги керак;
  4. Қаттиқ механик заррачаларнинг миқдори  $0,001 \text{ г}/\text{м}^3$  дан ошмаслиги керак;
- Табиий газни истеъмолчига топширадиган жойида унинг шудринг нуқтаси шу жойдаги газ ҳароратидан паст бўлиши тақиқланган.

Газ қазиб чиқарувчи корхона ҳам истеъмолчига топширадиган газини юқорида кўрсатилган талабларга мос ҳолда тайёрлаши шарт.

Конлардаги ишлатиладиган қувурлар тавсифинефт ва газни конда ииғиши, тайёрлаш ва узатиш жараёни учун муҳим аҳамият касб этади.

*\*) Истеъмолчи билан ўзаро шартнома асосида баъзи ҳолларда водород сульфиð ва меркаптанли олтингугуртнинг миқдори юқори бўлган габиий газни алоҳида газ қувурлари орқали етказиб беришига рухсат этилган.*

Хар қандай нефт ва газ конида қудуқлардан чиқкан маҳсулотни тайёрлаш қурилмаларигача етказиш учун ҳар хил турдаги қувурлар ишлатилади. Бу қувурлар ўзидан ўтказаётган маҳсулоти, босими, вазифаси каби омилларга қараб турли-туман бўлади.

Конлардаги ишлатиладиган қувурларнинг қуидаги умумий таснифи мавжуд:

а) ўтказаётган маҳсулоти бўйича:

- нефт қувурлари;
- газ қувурлари;
- нефтгаз қувурлари;
- конденсат қувурлари;
- сув қувурлари;
- реагент қувурлари.

б) бажарадиган вазифасига қараб:

- йўналтирувчи қувурлари;
- йиғувчи қувурлари.

в) иш босимига қараб:

- кучли босимли қувурлар, босими 6 Мпа дан юқори;
- юқори босимли қувурлар, босими 2,5-6,0 Мпа;
- ўрта босимли қувурлар, босими 1,6-2,5 Мпа;
- паст босимли қувурлар, босими 1,6 Мпа дан паст.

Одатда ўрта босимли қувурларгача бўлган қувурлар тазиқли, паст босимли қувурлар тазиқсиз қувурлар деб ҳисобланади.

г) гидравлик тарҳи бўйича:

- оддий қувурлар, бундай қувурлар бир хил диаметрга эга бўлиб, унга бошқа қувурлар уланмаган бўлади;
- мураккаб қувурлар, бундай қувурларни диаметри ҳар хил бўлиши, шунингдек қувурларга бошқа қувурлар уланган бўлиши мумкин.

д) қурилиши бўйича:

- ер ости қувурлари;
- ер усти қувурлари;
- ҳаводан ўтказилган қувурлари;
- сув ости қувурлари.

Бу тасниф конларда ишлатиладиган нефт ва газ йиғиш, тайёрлаш тизими-даги қувурларга тааллуқли бўлиб, узокқа узатувчи қувурларга тегишли эмас.

Йўналтирувчи қувурлар кудуқдан биринчи гурух ўлчагич қурилмаларигача бўлган масофада ишлатилади. Биринчи гурухий ўлчагич қурилмаларидан нефтни йиғиш ва тайёрлаш қурилмаларигача бўлган масофада йигувчи қувурлар ишлатилади.

Тазийкли қувурларда маҳсулот қувурни тўлиқ тўлдириб оқади, тазийксиз қувурларда қувур ичи тўлиқ бўлмаган ҳолда оқиши мумкин.

## **2.2. Нефти газдан ажратиш жараёнини назарий ҳисоблаш**

Нефть ва газни йиғиш ва тайёрлаш жараёнини технологик жиҳатдан ҳисоблашда нефть ва газнинг физикавий ва иссиқлик хоссаларини билиш керак бўлади. Бир нечта компонентлардан ташкил топган тизим (нефт ёки йўлдош газ)нинг хусусиятлари алоҳида компонентларнинг хоссаси ва миқдорига, яъни тизимнинг таркибига боғлиқ.

Нефт қазиб оловчи корхоналарда нефтни йиғиш ва тайёрлаш жараёни, одатда нефтдан фақатгина метан углеводородларнинг бош қисмини ва ноорганик газлар бирикмасини ажратиб олиш билан чегараланди. Углеводородларнинг бош қисмига метандан пентангача бўлган углеводород лар киради. Метан қаторининг қутий углеводородлари (метан  $\text{CH}_4$ , этан  $\text{C}_2\text{H}_6$ , пропан  $\text{C}_3\text{H}_8$ , бутан  $\text{C}_4\text{H}_{10}$ ) нормал шароитда ( $t=0^\circ\text{C}$  ва  $P=98066,5$  Па) газ ҳолатда бўлади, пентандан ( $\text{C}_5\text{H}_{12}$ ) гептодекангача ( $\text{C}_{17}\text{H}_{36}$ ) - суюқ ҳолатда ва бундан юқори ҳолларда эса - қаттиқ жисм ҳолатида бўлади.

Нефти ташкил этувчи асосий элементлар углерод ва водород бўлиб, унинг таркибида мос равища 83-87 % ва 11-14% миқдорда бўлади.

Нефть кимёвий жиҳатдан мураккаб ва термодинамик нотурғун бўлган кўп компонентли тизим ҳисобланиб, у асосан метан ( $\text{C}_n\text{H}_{2n+2}$ ), нафтен ( $\text{C}_n\text{H}_{2n}$ ) ва ароматик ( $\text{C}_n\text{H}_{2n-2}$ ) углеводород гомологларидан иборат. Унинг таркибида турли миқдордаги углеводород газлар ва ноорганик газ бирикмалари (водород сульфид  $\text{H}_2\text{S}$ , карбонат кислота  $\text{CO}_2$ , азот  $\text{N}_2$ , гелий  $\text{He}$  ва бошқалар) эриган ҳолда бўлиши мумкин. Қудуқдан олинаётган маҳсулот таркибидаги

компонентлар миқдори коннинг ишлаши ва ишлатилиши мобайнида доимо ўзгариб туриши мумкин, бу нарса нефть ва газнинг физик-кимёвий хоссаларига у ёки бу даражада таъсир этади.

Хом нефтни газдан ажратиш жараёнини икки усулда ўрганиш мумкин:

- 1) олинаётган маҳсулотларни бирнеча қудуқлар гурӯҳи бўйича ўлчаш ускуналаридаги ўлчов натижаларига кўра;
- 2) фазавий ҳолат тенгламаларидан фойдаланиб аналитик ҳисоблашлар асосида.

Ҳар иккала усул ҳам ўзаро мос афзаллик ва камчиликларга эга. Биринчи усулнинг афзаллиги шундаки, бунда қудуқнинг ҳақиқий ишлаш жараёнинда узлуксиз ўлчаш олиб борилади. Бу усулнинг камчилиги эса нефть ва газ миқдорининг ноаниқ ўлчаниши, атроф муҳит ҳарорати ва сепаратордаги босимнинг ўзгарувчанлиги, сепаратордаги фазавий ўзгаришларнинг бекарорлиги туфайли газ омилини ҳар бир ўлчаганда турли қийматларнинг олинишидир.

Назарий жиҳатдан қараганда нефтдан газни ажратишнинг аналитик ҳисоблаш усули нисбатан асослидир. Лекин бундай ҳисоблашларнинг аниқлиги қўпинча қабул қилинган ҳисоблаш усули ва танланган мувозанат доимийсига боғлиқ бўлади.

Нефтдан газни ажратишни ҳисоблашда қуйидаги тенгламадан фойдаланилади:

$$\sum_1^n y_i = \sum_1^n \frac{Z_i}{N + \frac{L}{K_i}} = 1 \quad (2.1)$$

$$\sum_1^n X_i = \sum_1^n \frac{Z_i}{L + K_i N} = 1 \quad (2.2)$$

бу ерда:  $y_i$ - газ фазасидаги  $i$ -компонентнинг моль концентрацияси;  $X_i$ - суюқ фазадаги  $i$ -компонентнинг моль концентрацияси;  $Z_i$ - бошланғич аралашмадаги  $i$ -компонентнинг моль концентрацияси;  $K_i$ - маълум ҳарорат ва босимда сепаратордаги аралашма  $i$ -компонентнинг мувозанат доимийси;  $L$  ва  $N$  мос ҳолда суюқ ва газ фазадаги модданинг моль миқдори.

Углеводородлар аралашмасининг ўртача зичлигини аниқлаш зичлик формуласидан фойдаланиб ҳосил қилинган қуидагитенгламалардан топилади:

$$\text{а) моляр таркибига кўра } Q_{\text{y.p}} = \frac{\sum_{i=1}^n \alpha_i M_i}{\sum_{i=1}^n Q_i} \quad (2.3)$$

$$\text{б) хажмий таркибига кўра: } Q_{\text{y.p}} = \sum_{i=1}^n V_i Q_i \quad (2.4)$$

(2.3) ва (2.4) tenglamalap бўйича xisoblash қуидагicha olib boriladi:

- 1) лаборатория тадқиқоти натижаларига кўра қатламдаги аралашманинг таркиби хақида маълумот ёзилади;
- 2) ҳарорат ва босимга кўра ажратиш шароити танланади;
- 3) чизма ёки жадваллардан мувозанат доимииси керакли системада танланади;
- 4) берилган босим ва ҳароратда ҳар бир компонент учун  $K_i$  катталик аниқланади;
- 5)  $N$  ёки  $L$  ( $N+L=1$ ) катталик берилади ва (2.1) ёки (2.2) tenglamalap системасидан бири ҳал қилиниб,

$$\sum_{i=1}^n X_i \text{ ёки } \sum_{i=1}^n y_i \text{ топилади;}$$

Агар  $\sum_{i=1}^n X_i = 1$  ёки  $\sum_{i=1}^n y_i = 1$  бўлса, у ҳолда топшириқ тўғри ечилган бўлади ва қабул қилинган  $N$  ва  $L$  катталиклар тўғри топилган xisoblanadi.

Агар  $\sum_{i=1}^n X_i \neq 1$  ёки  $\sum_{i=1}^n y_i \neq 1$  бўлса, у ҳолда қабул қилинган  $N$  ва  $L$  қиймат нотўғри бўлади ва бу катталикларга бошқа қийматлар берилиб xisoblash takrorlanadi.

Газ ва суюқ фазанинг тақсимланиши, шунингдек, алоҳида фаза таркибини соддалашган xisobi 5-жадвалда келтирилган.

Ажратилган нефть ва газнинг зичлигини, жараёндаги газ омилини xisoblash учун 1 моль қўшилган аралашмадаги суюқлик массасини аниқлаш

лозим. Маълумотномаларга  $C_7^+$  ва ундан юқори фракцияларнинг зичлиги 865 кг/м<sup>3</sup> ва молекуляр массаси 267 эканлигини инобатга олсакҳамда 15-жадвалга асосланибт=30°C да саноат нефтининг ўртача зичлиги

$$Q = \frac{G}{V} = \frac{0,104}{0,118 \cdot 10^{-3}} = 885 \text{кг / м}^3.$$

Берилган шароитдаги жараён учун газ омили қуйидагига тенг бўлади:

$$\Gamma = \frac{(1 - 0,420) \text{моль} \cdot 24 \cdot 10^{-3} \text{ м}^3 / \text{моль}}{118,39 \cdot 10^{-6} \text{ м}^3} = 116 \text{нм}^3 / \text{м}^3.$$

### 5-жадвал

#### Газ ва суюқ фазанинг тақсимланиши, шунингдек, алоҳида фаза таркибинингқийматлари

Компонентлар	Суюқ аралашма таркиби, $X_i$	Суюқлик-нинг аралашмадаги моль миқдори, $L \cdot X_i$	Суюқ моляр ҳажми $\text{см}^3/\text{моль}$	1 моль аралашмадаги суюқ ҳажми $\text{см}^3$ ( $3 \times 4$ )	Молекуляр масса	Суюқ массаси ( $3 \times 6$ )
$C_1$	0,0039	0,0164	53,4	0,088	16	0,026
$C_2$	0,0022	0,00093	80,6	0,075	30	0,028
$C_3$	0,0070	0,00295	87,0	0,275	44	0,130
$C_4$	0,0052	0,00219	103,4	0,226	58	0,127
$C_4$	0,0082	0,00345	99,6	0,344	58	0,201
$C_5$	0,0079	0,00333	115,7	0,385	72	0,246
$C_5$	0,0086	0,00362	114,6	0,415	72	0,261
$C_6$	0,0506	0,02130	130,0	2,769	86	1,835
$C_7$	0,9064	0,33159	298,3	113,830	267	101,880
Жами		0,420		118,39		104,73

### 2.3. Газнефт ажраткичларининг маҳсулдорлигини ҳисоблаш

Нефть конларида нефтни газдан ажратиш учун вертикал (тиқ), қия ва горизонтал (ётиқ) ажраткичлардан фойдаланилади. Газнефт ажраткичларининг ўтказувчанлик қобилиятларини аниқлаш етарлича мураккаб мухандислик масалаларини ўз ичига олади. Айниқса ажраткичининг ишчи катталиклариiga сезиларли таъсир "нефт-газ" системасининг

дисперслиги томонидан бўлади. Охирги навбатда эса ноаниқ катталиклар ҳисобланади.

Шуларга мувофиқ ҳозирда гравитацион ажраткичларнинг маҳсулдорлигини ҳисоблашнинг фақат тахминий усуллари мавжуд.

Гравитацион газ ва нефть ажраткичларининг ўтказувчанлик қобилияти газ учун ҳам, суюқлик учун ҳам бир хил баҳоланади.

Вертикал гравитацион ажраткичнинг диаметри асосан газ сарфига боғлиқ бўлиб, у қуидаги тенглама ёрдамида аниқланади:

$$F = \frac{Q_r v_r \rho_r}{3,77 \cdot m d^2 \rho_n}, \quad (2.5)$$

бу ерда:  $F$  - ажраткич юзаси,  $\text{см}^2$ ;  $m=0,8:0,9$  - ажраткич юзасидан фойдаланиш коэффициенти, тажрибаларда аниқланади;  $Q_r$  – ажраткичдаги берилган босим ва ҳароратда газ сарфи,  $\text{м}^3/\text{кун}$ ;  $V_r$  - газнинг ажраткич шароитидаги кинематик қовушқоқлиги,  $\text{см}^2/\text{с}$ ;  $S_r$  ва  $S_n$  - мос равишда газ ва нефтнинг ажраткич босим ва ҳароратидаги зичликлари;  $d$  - нефть қисмининг диаметри.

Газ сарфи ( $Q_r$ ) қуидаги тенгламадан фойдаланиб ҳисобланади:

$$Q_r = (Q'_r - \alpha Q_n P) \frac{P_o T Z}{P T_o} \frac{\text{м}^3}{\text{кун}}, \quad (2.6)$$

бу ерда,  $Q_r$  - нефть тўлиқ газсизланган шароитдаги газ миқдори,  $\text{м}^3/\text{кун}$ ;  $\alpha$  - газнинг нефтда эрувчанлик коэффициенти,  $1/\text{МПа}$ ;  $Q_n$  - нефть миқдори,  $\text{м}^3/\text{кун}$ ;  $P$  - ажраткичдаги ишчи босим,  $\text{МПа}$ ;  $P_o$  - атмосфера босими,  $\text{МПа}$ ;  $T$  - газнинг ажраткичдаги мутлақ ҳарорати,  ${}^0\text{К}$ ;  $T_o=293 {}^0\text{К}$  - мутлоқ нормал ҳарорат;  $Z=0,8:0,9$  - ажраткичдаги газнинг 1,5 МПадаги сиқилувчанлик коэффициенти (ажраткичдаги қуий босимда  $Z$  кўрсаткичнинг қийматига яқин бўлади).

Ажраткичдаги шароитга келтирилган газнинг кинематик қовушқоқлик коэффициенти:  $v_r = v_o Z \frac{P_o}{P} \frac{T_o + C}{T + C} \left( \frac{T}{T_o} \right)^{0,5} \text{см}^2/\text{с}$ , (2.6)

бу ерда:  $V_o$  - нормал шароитда (метан учун  $V_o=0,145 \text{ см}^2/\text{с}$ ; газнинг кинематик қовушқоқлик коэффициенти;  $C=210$  - газ учун ҳарорат доимийси.

Ажраткич шароитига келтирилган газ зичлиги қуидаги тенгламадан топилади:  $\rho_r = \rho_o \frac{PT_o}{P_o TZ} \text{ г/м}^3$  (2.8)

бу ердар<sub>o</sub> -газнинг нормал шароитдаги зичлиги (метан учун  $\rho_o=0,001 \text{ г/см}^3$ ).

Атраткич юзасидан унинг диаметри топилади:


$$D = 0,01 \sqrt{\frac{F}{0,785}} \text{ м.} \quad (2.9)$$

Ажраткичнинг тахминий диаметрини газнинг ўртача тезлигини ажраткичдаги босимга боғлиқлиги орқали аниқлаш мумкин:

$$D = \sqrt{\frac{Q_r P_o T}{V_{yp} \cdot 0,785 \cdot 86400 P T}}, \quad (2.10)$$

бу ерда:  $Q_r$  - нормал шароитда газнинг кунлик микдори ( $0,1 \text{ МПа}$  босим ва  $20^\circ\text{C}$  ҳароратда),  $\text{нм}^3$ ;  $V_{yp}$  - ажраткичдаги газнинг ўртача ҳаракат тезлиги,  $\text{м/с}$ ;  $P_o$ ,  $P$ ,  $T_o$ ,  $T$  юқорида кўрсатилган катталиклар.

Газнинг ажраткичдаги рухсат этилган ўртача ҳаракат тезлигининг босимга боғлиқлиги чизмадан аниқланиши мумкин (12-расм).



12-расм. Гравитацион ва гидроциклон ажраткичларда газнинг рухсат этилган ҳаракат тезлиги графиги

## 2.4. Кондаги йиғишиң қувур ўзаткичларини ҳисоблаш

Нефть конларида қуриладиган узаткич қувурлари қуидаги асосий гурухларга бўлинади:

- 1) бажарадиган ишига қараб – нефть ўтказувчи, газ ўтказувчи, нефтьгаз ўтказувчи ва сув ўтказувчи;
- 2) суюқликнинг ҳаракатланиш тавсифига кўра – нефть, газ ва сув биргаликда ва алоҳида ҳаракатланадиган;
- 3) тазийқ тавсифига кўра–тазийқли ва тазийқсиз;
- 4) ишчи босим катталигига кўра–юқори-6,4 Мпа; ўртача - 1,6 МПа ва паст-0,6 МПа босимли;
- 5) жойлашиш усулига кўра–ер ости, ер усти, осилган ва сув ости;
- 6) вазифасига кўра –ташлама қувурлар, нефть, газ ва сув коллекторлари ва нефть маҳсулотлари ўтказкичи;
- 7) гидравлик ҳисоблаш схемасига кўра.

Булардан ташқари, барча қувур ўтказкичлари тазийқ тавсифига кўра қуидаги гурухларга бўлинади:

- 1) қувурнинг кесими суюқлик билан тўлиқ эгалланган қувур ўтказгичлар;
- 2) тўлиқ эгалланмаган қувур ўтказкичлар.

Кондаги узаткич қувурларининг барча турларини, улардан бир фазали суюқликлар ҳаракатлангандаги гидравлик ҳисоби қувур диаметри, бошланғич босими ва ўтқазувчанлик қобилиятини аниқлашдан иборат бўлиб, умумий гидравликадан маълум бўлган ифодалар орқали аниқланади.

Юмалоқ кесимли қувур узунлигига ишқаланиш туфайли йўқотилган тазийқ Дарси-Вейсбах tenglamasига кўра аниқланади:

$$h_{uu} = \lambda \frac{l}{d} \frac{w^2}{2q} \quad (2.11)$$

$$\text{ёки } p = \lambda \frac{l}{d} \frac{\rho w^2}{2} \quad (2.12)$$

бу ерда:  $h_{uu}$  – ишқаланишда тазийқ йўқотилиши, м;  $p$  - тазийқ йўқотиши, Н/м<sup>2</sup>;  $l$  - қувур ўтқазгичининг узунлиги, м;  $d$  - қувур ўтқазгичининг диаметри, м;  $\rho$  -

хайдалаётган суюқлик зичлиги  $\text{кг}/\text{м}^3$ ;  $W$  - суюқликнинг ўртача ҳаракат тезлиги,  $\text{м}/\text{с}$ ;  $\lambda$  - гидравлик қаршилик коэффициэнти бўлиб, кўп ҳолларда Рейнольдс сони ва қувур деворининг нисбий ғадир-будурлигига боғлиқ.

$$\lambda = f(Re \cdot E), \quad (2.13)$$

$$\text{Бу ерда } E = \frac{2e}{d} \quad (2.14)$$

бу ерда:  $e$  - қувурнинг мутлақ ғадирлиги, см;  $d$  - қувур диаметри, см.

Оддий тазиикли қувур ўтказкичларини ҳисоблашда куйидаги катталикларни аниқлаш керак бўлади:

- 1) қувурнинг ўтказувчанлик қобилияти  $Q$  ни қувурнинг бошланиши ва тугалланишидаги геометрик баландликларининг фарқи  $Z = Z_1 - Z_2$ , босимнинг йўқотилиши  $P = P_1 - P_2$ , қувурнинг узунлиги  $l$ , унинг диаметри  $d$ , ҳайдалаётган суюқликнинг зичлиги  $\rho_c$  ва қовушқоқлиги  $\mu_c$ ;  $t$ ;
- 2) охирги босим  $P_2$ , қувур ўтказкичининг узунлиги  $l$ , диаметри  $d$ , геометрик баландлик фарқи  $Z$ , ҳажмий сарфи  $Q$ , суюқликнинг зичлиги  $\rho_c$  ва унинг қовушқоқлиги  $\nu_c$  маълум бўлган ҳолда керакли бошланғич босими;
- 3)  $S, P, L, \rho_c, \nu_c$  маълум бўлганда суюқликнинг  $Q$  микдорда маҳсулот ўтказа оловчи қувур ўтказгичнинг диаметри.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай топшириқ фақатгина (2.13) ва (2.14) тенгламалар ҳолларда чизма - ҳисобий (графо-аналитик) йўллардан фойда-ланиб ҳисобланади. Яъни бирор катталикка турли қийматлар бериб, шунга мос ҳолда бошқалари ҳисобланади. Изланаётган катталиктнинг керакли қиймати ҳисоблаш натижаларига кўра чизилган чизма-график орқали топилади.

Қувур ўтказкичларда нефть ва газ, нефть, газ ва сувнинг биргаликда ҳаракатининг гидравлик ҳисоби етарлича мураккаб бўлиб, бунда ҳисоблаш усуллари қисман тақрибий характерга эга. Чунки ҳисоблаш формулаларига кирган катталикларнинг ҳаммасини ҳам экспериментал йўл билан ўник ўлчаб бўлмайди. Иккинчи томондан, ҳар қандай ўлчов асбобларининг ҳам ўлчаш хатолиги бўлиб, у албатта эксперимент натижаларига қисман бўлсада таъсир қиласди.

### **III боб.«ДЕНГИЗКҮЛ» КОНИДАГИ НЕФТНИ ТАЙЁРЛАШ ҚУРИЛМАСИ ВА АСОСИЙ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ**


#### **3.1. Конидаги нефтни тайёрлашқурилмасининг умумий тавсифи**

«Денгизкул» конидаги нефт тайерлаш қурилмаси (НТҚ) БВН-5 1993-йилнинг январ ойида ишга тушурилган бўлиб, конининг бекарор олтингугуртли нефти ва олтингугуртли ёнувчи табий гази НТҚ махсулоти бўлиб ҳисобланади.

«Денгизкул» конидаги нефт тайёрлаш қурилмаси (НТҚ) БВН-5 кейинчалик кайта ишлаш максадида нефтни газ ва сувдан бирламчи ажратиш учун мўлжалланган. НТҚ портлаш ва ёнгинга хавфли объект ҳисобланади. НТҚ махсулдорлиги йилига 4800 тонна нефтни ташкил этади. НТҚ таркибиға қуйидаги асосий қурилма ва асбоб-ускуналар киради:

- Кириш қувурлар блоки (КҚБ) – 5;
- С-101-горизонтал ажратгич;
- С-102-ички қувурли ажратгич қурилмаси;
- С-201/1 горизонтал ажратгичлар;
- ТР-201/1,2-траплар;
- Е-201/ 1,2 нефт йиғиш сифимлари.

«Денгизкул» нефт ҳошияли газоконденсат кони бўлиб ҳисобланади. Кириш қувурлари блоки КҚБ-5 газ қудуклари маҳсулотларини бирлаштириш ва уларни С-101 ажратгичига жўнатиш учун хизмат қиласи. № 21.91 нефт қудуклари – С-201/1 ажратгичига ёки керак бўлган ҳолда тўғридан – тўғри газни комплекс тайёрлаш қурилмаси (ГКТҚ) дан Денгизқўлга йўналтириш учун мўлжалланган.



**13-расм. Нефтни конларда комплекс тайёрлаш қурилмасининг принципиал схемаси.**  
**1, 9, 11 – насослар; 2, 5-иссиқлик алмашингичлар; 3-тиндиргич (сувсизлан-тириш босқичи); 4-электродегитратор (тузсизлантириш босқичи); 6-стабиллаштириш колоннаси; 7-совутувчи конденсатор; 8-суғориши сифими; I-хом нефт; II-қиздирилган нефт; III-сувсизлантирилган нефт; IV-туз-сизлантирилган нефт; V-барқарор нефт; VI-колоннанинг устки маҳсулоти; VII-кенг фракция; VIII-дренаж сувлари; IX – чучук сув узатиш; X-барқарор нефт**

КҚБ қурилмаси майдонида тартибли жойлашган ва бир-бири билан уланган қудук кузатувчилари гурухини ўзида мужассам этади ва улар:


- ▲ газ қудуклари маҳсулотларини умумий коллектордан С-101 ажратгичига;
- ▲ №91.21 нефт қудуклари маҳсулотларини С-201/1 ажратгичга (ёки түғридан-түғри ГКТҚ (Денгизкүлга));
- ▲ қудуклар маҳсулотини юқори босимли машъалага умумий коллектордан узатиш учун хизмат қилади.


С-101, С-201 ажратгичлар суюқ фазани (конденсат, нефт, қатлам суви) газ фазасидан ажратиш учун мўлжалланган.

С-101 ажратгичдан чиқаётган маҳсулотда қолган конденсатни ушлаб қолиш ажратгичи сифатида НТҚда С-102 ички қувурли ажратгич қурилмаси ишлатилади.

Суюқ фазани йўлдош ва эриган газлардан босимни пасайтириш ҳисобига ажратиш учун Тр-С-201 трап мўлжалланган.

“Денгизкўл“ НТҚ нинг принципиал- технологик схемаси 14-расмда келтирилган.





Нефт йиғиш ва уни атмосфера босимида охирги газсилантириш учун Е-201 нефт йиғиш сиғими мұлжалланган.

Е-201 нефт йиғиш сиғимидан қатlam сувлари буғланиш ҳовузига күйилганидан сүнг нефт ГКТҚ Денгизкүлга ҳайдаш учун тайёр хисобланади.

Белгиланган баъзи ҳажмгача Е-201 нефт йиғиш сиғимининг тўлишига қараб, Н-201 насоси билан мунтазам равища ГКТҚ Денгизкүлга нефт ҳайдаш амалга оширилади.

НТҚ маҳсулоти бўлиб ГКТҚ Денгизкүлга узатиладиган табиий газ ва нефт хисобланади.

### **3.2. Кондаги технологик жараёнларининг физик –кимёвий асослари**

«Денгизкүл» кони қудукларидан келаётган бекарор олтингугуртли нефт ва ёнувчи табиий газ НТҚ учун хом-ашё ҳисобланади. НТҚга келаётган нефт ва газ таркибида қатlam сувлари ва механик аралашмалар ҳамбор. Нефт ва газда олтингугуртли бирикмаларнинг бўлиши уларнинг юкори заҳарлигига, углеводородларнинг бўлиши уларнинг юкори портлаш ёнғинга хавфлилигига сабаб бўлади.

Нефтнинг физик-кимёвий тавсифи 6-жадвалда, нефтнинг фракцион таркиби 6-жадвалда келтирилган.

#### **6-жадвал**

#### **Нефтнинг физик –кимёвий тавсифи**

Кўрсаткичларнинг номланиши	Ўлчов бирлиги, %	Миқдори
1. 20 °С даги зичлиги	Кг/м <sup>3</sup>	902.8
2. 20 °Сдаги қовушқоқлиги	Мм <sup>2</sup> /с	76.58
3. 80 °Сдаги қовушқоқлиги	Мм <sup>2</sup> /с	9.16
4. Асфалтенлар миқдори	% оғир	3.63
3. Парафинлар миқдори	% оғир	1.46
6. Силикагели елимлар		0.49

Миқдори	%огир	16.12
---------	-------	-------

НТҚда икки хил куринишдаги махсулот олинади:-сувсизлантирилган ва газсизлантирилган бекарор нефт ва ёнувчи табий газ. Нефтни қайта ишлашга сүнгги тайёрлаш «Денгизкүл» ГКТҚ да конденсат парки сиғимларида узок муддат тиндириш ва сувдан ажратиш йўли билан амалга оширилади.

### 7-жадвал.

#### Нефтнинг фракцион таркиби

Фракцион таркиби % масс	Харорат. $^{\circ}\text{C}$	Эслатма
Қайнашнинг бошланиши	65	Энглер буйича ҳайдаш
3	90	
3.5	100	
4	110	
5	120	
6	130	
7	140	
8	150	
9	160	
10	170	
12	180	
13	190	
15	200	
16	210	
18	220	
20	230	
22	240	
23	250	
24	260	
25	270	
28	280	
30	290	
32	300	
36.5	310	
40	320	
41	330	
42	340	
55	350	
59	360	
кайнашнинг тугаши	365	

Ёнувчи табиий газ НТҚда уни суюқликдан С-101 ажратгичда ва С-102 ички қувурли ажратгич қурилмасида ажратиш билан боғлиқ бўлган фақат бирламчи ишловга тортилади. Шундай ишлов берилган газ «Денгизкўл»ГКТҚ да талаб қилинган меъёргача етказилади.

«Денгизкўл» конидаги НТҚда барча технологик жараёнлар босимни пасайиши ҳисобига газдан суюқликни пағонали ажратишга ва суюқликни тиндириш йўли билан нефт, конденсат ва қатlam сувига ажратишга асосланган.

Нефтнинг босими тўйинганлик босимигача ва ундан пастгача камайганида нефтдан газнинг ажралиши бошланади. Бу қатламда ҳам, нефт йиғиш системасида ҳам содир бўлади. Ажралган газ босим пасайтирилган томонга (қатламда қудук тубига, қудуқда –қудук устига), бундан сўнг ажратгич томонга ҳаракатқилади. Пасайтирилган босим томонга ҳаракатланаётib, кенгайиб ва қўшилиб каттароқ пуфаклар кўринишидаги газ нефтни ҳамолиб чиқади ва шу вақтнинг ўзида ундан ўзиб кетади. Бу жараён ажратгичга киргунга қадар содир бўлади. Ажратгичга кириш олдидаги қудук маҳсулоти ҳамма вақт икки фазадан иборат бўлади: суюқ ва газли.

Фазалар ҳажми орасидаги нисбат нефт таркибида енгил углеводородларнинг бўлишига, ажратгичда ушлаб туриладиган босимга ва қатлам шароитида нефт тўйинганлиги босимига боғлиқ.

Газнефт ажратгичда нефтдан унда эриган ва эркин газни ажратиш жараёни содир бўлади.

Трап ва нефт йиғиш –сигимида босимни пағонали пасайтиришда нефтдан эриган газларни ажралиб чиқиш тезлигини камайтириш ҳисобига нефтни газсизлантириш газлари билан олиб кетилиши камаяди.

Цилиндрик, горизонтал ғовакли тиндиргич кўринишидаги йиғиш сигимида иссиқ кимёвий усул билан суюқ фазалар нефт ва қатлам сувига, шу билан бирга механик аралашмаларга ажратилади.

Тиндиришда томчиларнинг коалесценция жараёни (томчиларнинг қўшилиши) содир бўлади. Коалесценция жараёни бешта кетма-кет боскичда боради:

- томчиларни томчиларга яқинлашувида шу томчиларнинг деформацияси содир бўлади;
- сиртда томчилар тебранишининг сўниши амалга ошади;
- томчи ва каолесценцияланган дисперсия фаза қатлам орасида яхлит фаза плёнкасини ҳосил қиласи;
- плёнканинг юпқалашини, унинг ёрилиши ва плёнка қолдиқларини йўқотиш, яъни бошқачаайтганда, шахсий коалесценциянинг бошланиши;
- томчи таркибини ҳажмий фазага ўтказиш, яъни томчиларнинг қўшилиши.

Томчи коалесценциясига томчи ўлчами таъсир қиласи: томчи ўлчами қанча катта бўлса, коалесценция вақти шунча камаяди. Буни шундай тушуниш мумкин, яъни нефт ва сув зичлиги ҳар хил бўлганлиги учун катта томчилар тезроқ чўкади.

Зичликлар орасидаги катта фарқ томчиларнинг аҳамиятли деформациясига олиб келади, бу билан бутун муҳитда ҳосил бўлган фазалар орасидаги плёнкаларнинг юпқалашини камаяди. Томчи қовушқоқлигига нисбатан яхлит фаза қовушқоқлигининг ортиши фазалар ажралишига муҳим таъсир кўрсатади, бунинг натижасида яхлит фаза плёнкасини йўқотиш жараёнининг қаршилиги ортади, бу билан эса фазалар ажралиши секинлашади.

Газ-конденсат-сув аралашмаси газ қудуклари узатгичи бўйлаб КҚБ-5 орқали С-101 ажратгичига келади, у ерда оғирлик кучи ҳисобига суюқ фаза (конденсат ва қатлам суви) газ фазасидан ажралади. КҚБда ва С-101 ажратгичдаги босим 6.7 Мпани ташкил этади. КҚБ-5 да қудук узатгичларида босим жойида Р1-1 техник манометр билан ўлчанади. С-101 ажратгичдаги босим жойида Р1-2 техник манометр билан ўлчанади.

Конденсат-сув аралашмасининг сатҳи эса LC-10 Клинкер ойнаси бўйича аниқланади.

Газ С-101 ажратгичидан С-102 ажратгичга келади, у ерда газ билан чиқкан конденсат ушлаб қолинади. С-102 ажратгичдаги суюқлик сатҳи пастки қисмида жойлаштирилган LC-13 Клинкер ойнаси бўйича аниқланади.

Суюқлик сиздирилиши беркитиш мосламасини очиш ва ёпиш ҳисобига амалга оширилади.

Газ С-102 ажратгичдан ишлаш учун Денгизкўл ГКТҚ га йўналтирилади. Технологик схемада, керак бўлган тақдирда қудуқлар маҳсулоти оқимининг йўналиши НТҚдан ташкари тўғридан-тўғри Денгизкўл ГКТҚ га йўналтириш кўзда тутилган. Ажратилган газ-конденсат аралашмаси С-101 ажратгичдан клапанлар тўпламида дросселланиб ажратгичга келиб тушади.

Tr-201/2 трапдаги босим трап қобиғида ўрнатилган Р1-4 техник манометр билан ўлчанади. Tr-201/2 трапдаги конденсат –сув аралашмасининг сатҳи LC-12 Кленкер ойнаси бўйича аниқланади.

Конденсатни газсизлантириш газлари Tr-201/2 трапдан паст босимли машъалага (ПБМ) йўналтирилади, газсизлантирилган конденсат-сув аралашмаси Tr-201/2 трапдан E-201/1 йиғиш-сигумига йўналади, у ерда унинг охирги газсизланиши ва атмосфера босимимда конденсатнинг сувдан ажралиши содир бўлади.

E-201/1 йиғиш-сигумдаги суюқлик ҳарорати жойида T1-18 симобли термометр билан ўлчанади. E-201/1 йиғиш-сигумдан конденсатни газсизлантириш газлари ПБМга йўналади, қатlam суви эса омборга ташланади. Сувсизланган конденсат H-201/2 насос билан «Денгизкўл» ГКТҚга ҳайдалади. Насоснинг тазиикли қувур узатгичида ўрнатилган Р1-5 техник манометр H-201/2 насосдаги босимни ўлчайди.

№91.21 нефт қудуқларининг узатгичлари орқали газ-нефт-сув аралашмаси С-201/1 ажратгичга келиб тушади, у ерда 0.4 МПа босимда ва 40-50°C ҳароратда аралашманинг газсизлантирилиши содир бўлади.

С-201/1 ажратгичлардаги босим ва ҳарорат жойида Р1-7 техник манометр ва симобли Т1-22 термометрлари билан ўлчанади.

Суюқлик сатхи жойида LC-14 Клинкер ойнаси бўйича аниқланади.

Суюқлик сиздирилиши беркитиш мосламасини очиш ва ёпиш ҳисобига амалга оширилади.

Ажратилган нефт –сув аралашмаси С-201/1 ажратгичдан газсизлантириш учун Тр-201/1 трапга келиб тушади. Тр-201/1 трапдаги ишчи босим 0.08 МПани ташкил этади. Тр-201/1 трапдаги босим трап қобигида ўрнатилган Р1-3 техник манометр билан ўлчанади.

Тр-201/1 трапдаги нефт-сув аралашмасининг сатхи LC-11 Клинкер ойнаси бўйича аниқланади.

Нефтни газсизлантириш газлари Тр-201/1 трапдан ПБМга йўналади, газсизлантирилган нефт-сув аралашмаси эса Е-201/2 йиғиш-сифимида йўналади, у ерда унинг охирги газсизланиши ва атмосфера босимида нефтни қатлам сувидан ажралиши содир бўлади. Е-201/2 йиғиш сифимдаги суюқлик ҳарорати жойида Т1-19 симобли термометр билан ўлчанади.

Насоснинг тазиикли қувур узатгичида ўрнатилган Р1-5 техник манометр Н-201/1 насосдаги босимни ўлчайди. Е-201/2 йиғиш сифимида нефтни газсизлантириш газлари ПБМга йўналади, қатлам суви мунтазам равишда омборга ташланади, қисман сувсизланган нефт Н-201/2 насос билан Денгизкўл ГКТҚ га ҳайдалади.

Қудуқлар маҳсулотини алоҳида ўлчаш Тр-201/2 трапда амалга оширилади. Бу ҳолатда қудуқлар маҳсулоти КҚБ-5дан тўғридан-тўғри Тр-201/2 трапга йўналади, бошқа барча қудуқларнинг аралашмаси Денгизкўл ГКТҚ га йуналади.

Асбоб-усқунанинг босими ортиб кетишидан химоялаш КҚБ-5 қудуқлар узатгичидаги, С-101 ажратгичдаги ва Тр-201/1.2 траплардаги сақлагич клапанлари билан амалга оширилади.

### **3.3. Резервуарлардан буғланиш орқали йўқолаётган енгил углеводородларни максимал камайтириш йўли билан Денгизкўл нефтни тайёрлаш қурилмасини оптималлаштириш**

Нефт конида олиб борилган таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, кудукдан нефтни қайта ишлаш заводи қурилмалари гача ва заводдан истеъмолчилар гача етказиш давомида нефтнинг йўқолиши унинг йиллик қазиб олинадиган миқдорига нисбатан 9% ни ташкил этар экан. Бунда асосан нефтнинг буғланиши оқибатида нефтекимё саноати учун асосий ва қимматбаҳо бўлган енгил компоненталари учб кетади.

Маълумки, енгил углеводородларнинг (ЕУ) йўқолиши асосан турлихилдаги қуишиш-бўшатиш операциялари – “катта нафас” ва нефтни қўзғалмас ҳолда сақлаш пайтида ҳароратнинг суткалик ўзгариши “кичик нафас” натижасида содир бўлади.

Метеорологик шароитларнинг ёмонлашиши юза бирлигига (атмосферада аралашмаларнинг ёйилиши буйича) ва майдоннинг кутилаётган ифлосланиш сатҳига боғлик ҳолда ҳавонинг ифлосланиш даражасини камайтириш учун уч гурух тадбирлар қўлланиши мумкин.

**Биринчи гурухга** технологик жараённинг иш тартибига таъсир қилмайдиган ва қўп сарф харажат талаб этмайдиган ташкилий хусусиятга эга бўлган тадбирлар киради. **Иккинчи гурухга** қўшимча тозалаш қурилмаларни ташкил килиш ва технологик асбоб-ускунанинг маҳсус ишлаш усулини ишлаб чиқиши ва тузиши билан боғлик бўлган тадбирлар киради. **Учинчи гурух** ўзида, ишлаб чиқаришни қисман ёки бутунлай тўхтатиш йули билан чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини камайтириш тадбирларини мужассам этади. Иккинчи ва учинчи гурух тадбирлари факат атмосферани ифлосланиш сатҳи ҳавфли даражага етиши мумкин бўлган ҳолда қўлланилади. Ҳавфли метеорологик шароит бўлиши ҳақидаги хабар ўша ердаги Узгедрометеорология марказидан келади.

Ноқулай метеорологик шароит даврида атмосферага ифлослантирувчи моддалар отқинини камайтириш буйича тадбирлар режаси 8-жадвалда келтирилган.

## 8-жадвал

### **НТҚда мүмкін бўлган атмосферага (манба буйича алохида)**

#### **ифлослантирувчи моддалар отқини**

Отқинлар манбаи	Инградиентлар	Рұксат этилган чегаравий концентрация (ПДК) мг/м <sup>3</sup>	Рұксат этилган чегаравий отқинлар	
			г/сек	т/йил
ПБМ	Карбон оксиди	5.0	0.000228	0.00719
	Азот диоксиди	0.085	0,014	0,125
	Азот оксиди	0,4	0,0035	0,025
	Олтингугурт диоксиди	0,5	0,575	16,58
	Курум	0,15	0,00006	0,00189
	Жами		0,592788	16,73908

Бирок “Денгизкўл” конида ва у ердаги нефтни тайёрлаш қурилмасида йўқолаётган ва атмосфурани ифлослантирувчи моддаларни ҳамда буғланувчи енгил углеводородларни максимал камайтириш учун юқоридаги уч гуруҳ тадбирлар муаммони тўла ҳал қила олмайди. Бунинг учун иқтисодий нуқтаи назардан технологик жараёнга янги, конструктив ўзгартиришлар киритилиши талаб этилади.

Мазкур ишнинг асосий мақсади резервуарлардан буғланиш орқали йўқолаётган енгил углеводородларни максимал камайтириш йўли билан Денгизкўл нефтни тайёрлаш қурилмасини оптималлаштириш бўлиб хисобланади. Бунда изланишлар моделлаштириш асосида олиб борилди.

**Бунинг учун тадқиқотларнинг биринчи босқичида** Денгизкўл конидаги нефтни тайёрлаш технологик схемасининг материал баланси хисоблаб чиқилди (9, 10-жадваллар).

**9- жадвал**

**Денгизкўл НТҚ даги жараённинг ашёвий мувозанати**

№	Номланиши	Ўлчам бирлиги	Миқдори	% оғир
1	2	3	4	5
	Келиш			
1.	1. Газ-нефт аралашмаси	т/с	86.8	99.3
2.	Катлам сувлари	т/с	0.586	0.7
	Сарф			
1.	Махсулдор нефти	т/с	0.55	0.6
2.	Курук газ	т/с	86.236	98.7
3.	Катлам сувлари	т/с	0.586	0.69
4.	Газсизлантириш сувлари	т/с	0.014	0.01

**10-жадвал**

**Хом-ашёни ва энергияни миёрий сарфи**

№	Номланиши	Сарф курсатмаси		Йиллик сарф	
		Бирлик	Сарфнин солишти рима	Бирлик	Миқдори
1.	Хом –ашё Газ-нефт аралашмаси Катлам сувлари	т/соат	86.8	Минг.т	760.3
		т/соат	0.586	Минг.т	5.1
2.	Электроэнергия	КВт соат/1000м <sup>3</sup>	0.96	Минг кВт	730

Ҳисоблаш учун бошлангич маълумотлар сифатида дастлабки нефтнинг сарфи ва такиби, нефтни тайёрлаш ва сақлашнинг барча босқичларидағи ҳарорат ва босим, дастлабки маҳсулотнинг зичлиги ва қовушқоқлиги олинди (11-жадвал).


### 11- жадвал

#### Ҳисоблаш учун бошлангич маълумотлар

№	Оким аппаратини номланиши	Аппаратни индекси	Ҳарорат, °C	Босим, Мпа	Сатх %
1.	Ажратгич: -газ -конденсат	C-101	40-50 40-50	6.2-6.7 6.2-6.7	40-60
2.	Ички кувурли ажратгич қурилмаси: -газ -конденсат	C-102	40-50 40-50	6.2-6.7 6.2-6.7	4-60
3.	Ажратгич: -газ -конденсат		40-50 40-50	0.04-0.4 0.04-0.4	40-60
4.	Трап: Конденсат	Tr -201/2	40-50	0.04-0.15	40-60

НТҚ тадқиқотларини олиб бориш учун уни ҳисоблаш блок-схемаси кўринишида тузамиз (15 - расм).

Ҳар бир жараён ва қурилмаларни моделлаштириш учун ягона ҳисоблаш моделига бирлаштирилган моделлар тузилди. Нефтгаз сепараторининг математик модели мос равишда ўзида сепарация жараёнигининг модели ҳамда томчи ҳосил бўлиш ва тиндириш жараёнларининг моделларини мужассамлаштирган. Сепарация жараёнини моделлаштиришда буғ ва суюқ фазалар таркибини ҳисоблаш тенгламаларини олиш учун бир марталик буғланиш жараёнининг моддий баланс тенгламаси ҳамда фазалар мувозанати тенгламаси биргаликда ечилади:



**15-расм. НТГ нинг блок-схемаси:** НГС – нефтегаз сепаратори; СГ – газсепаратори; УСТН – Қувурли қия сепарация қурилмаси; РП – резервуар парки, н.э. – нефт эмульсияси.

$$\sum_{i=1}^m x_i = \sum_{i=1}^m \frac{u_i}{1+e \cdot (K_i - 1)} = 1, \quad (3.1)$$

Бу ерда  $u_i$ ,  $x_i$  – мос равиша олинган суюқ ва бүг фазалардагисуюқ маҳсулотдаги  $i$ -компонентнинг мольулуши;  $e$  – бүғнинг мольулуши (хайдаболинган улушки);  $m$  – суюқ маҳсулотдаги компонентлар сони жидкой;  $K_i$  – фазавий мувозанат константаси.

Хайдаб олинган улуш ҳисоблангандан сўнг, мувозанат ҳолатидаги фазаларнинг таркиби аниқланади. Фазалар мувозанати константалари ҳисоблаш процедуралари оддий бўлган Гофман Крамп Хеккот методига асосланган Шилов методикаси бўйича, ҳисобланади.

Тиниш жараёнини математик ифодалаш – нефтни сувсизлантириш жараёнининг функцияси ҳисобланган томчиларнинг оғирлик кучи таъсирида чўкиш қонуниятларига, шунингдек моддий оқимларнинг физик-кимёвий қонуниятларини ифодаловчи турли хилдаги эмпирик ва яримиперик тенгламаларга асосланган.

Бунга буғланиш маҳсулотларини йигиб олишга мўлжалланган понтоналарни ёки енгил фракцияларни тутиб оловчи тизим қурилмаларини кўллаш орқали эришиш мумкин. Мазкур ишда айнан тадқиқотлар олиб бориладиган Денгизкўл кони учун ҳисоблашлар ва оптимал вариантни танлаш ишлари амалга оширилди.

12-жадвалда НТҚ да нефтни тайёрлаш жараёнида енгил углеводородлар ажралишининг моделлаштирилган тизимида ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган.

## 12- жадвал

### **Нефтни тайёрлаш жараёнида енгил углеводородлар ажралишининг моделлаштирилган тизимида ўтказилган тадқиқот натижалари**

Қурилма	НГС	СГ-1	УСТН	РП
Газ сарфи, кг/соат	18364	152	112	$8,34 \cdot 10^9$ *

*Изоҳ: \* резервур паркида 1100000 т/йил нефт қабул қилинганда*

Шундай қилиб, моделлаштирилган тизимдан фойдаланиш НТҚ да нефтдан ажралган газни ҳисоблаш ҳар бир сепарация босқичида газ сарфини аниқлаш имконини берди. Шунингдек, резервуар паркида йилига 1 100 000 тоннанефт қабул қилинадиган ҳолатда уни сақлаш ва узатиш пайтида ажраладиган енгил углеводородлар миқдорини аниқлаш имконини берди.

**Иккинчи босқич тадқиқотлар** орқали НТҚ да нефтни сақлаш жараёнида резервуарлардан атмосферага чиқадиган заарли моддалар миқдорини аниқлаш бўйича ҳисоблашлар олиб борилди.

НТҚ нинг техник регламенти бўйича резервуар паркининг майдончасида 6 та цилиндрик пўлат РВС ( $V = 2000 \text{ м}^3$ ) резервуарлар кўзда тутилган. Хом ашё ёки товар маҳсулот резервуарларининг ишчи цикли бир неча операциялардан ташкил топади:

- резервуарларни нефт билан тўлдириш;

- уларни резервуарларда тиндириш;
- резервуарларни бўшатиш;
- қайта тўлдирилишини кутиш;

Резервуарларда тиндириш, узатиш ва сақлаш пайтида угеводородларнинг атмосферага буғланиши ташки муҳит хоссаларига боғлик ҳолда узлуксиз давом этади. Газсизлантирилган нефтнинг углеводород таркибида  $C_1-C_5 = 20\%$ ,  $C_6-C_{10} = 80\%$  бўлади. Нефтнинг максимал йиллик ҳажми 1 100000 т/йил бўлсин. У ҳлода Атроф муҳитни ҳимоя қилиш давлат қўмитаси методикаси бўйича олиб борилган ҳисоблашлар натижаси 13-жадвалда келтирилган кўринишда бўлади.

### 13-жадвал

#### Исроф бўлаётган ЕУни ҳисоблаш учун дастлабки маълумотлар

Резервуарлар конструкцияси	Ер устида вертикал		
Нефтнинг бошланғич қайнаш ҳарорати	°C	Белгиланиши	48,0
Резервуар сиғими	$m^3$	V	2000
Резервуарлар сони	Дона	$N_p$	6
Нефт қабулқилаолишлиги	т/йил	B	1 100 000
Ҳайдаш унумдорлиги	$m^3/\text{соат}$	$V_q$	130
Тўйинган буғлар босими	Mm.pt.st	$P_{38}$	330
Суюлик буғларининг молекуляр массаси		M	73,8
$V = 2000 m^3$ резервуар учун тажриба коэффициенти		$K_p^{\max}$	0,8
$P_t = 540,0$ учун тажриба коэффициенти		$K_B$	1
$t = + 30$ учун тажриба коэффициенти		$K_t^{\max}$	0,74
$t = + 10$ учун тажриба коэффициенти		$K_t^{\min}$	0,417
$V = 2000 m^3$ учун тажриба коэффициенти		$K_p^{cp}$	0,56
$n = 53,28$ учун тажриба коэффициенти		$K_{ob}$	1,524
Суюқлик зичлиги	$t/m^3$	$\rho_{ж}$	0,8

Энди юқоридаги қийматлар асосида тизимнинг бир марталик “катта нафаси” даврида атмосферага чиқадиган максимал газ миқдорини куйидагиформула орқали ҳисоблаб топамиз:

$$M = P_{38} \cdot m \cdot K_t^{\max} \cdot K_p^{\max} \cdot K_E \cdot V_q^{\max} \cdot 0,163 \cdot 10^{-4} = 30,55 \text{ г/с}_2)$$

Бу қийматни бир йиллигини (т/йил) қуйидаги формула бўйича ҳисоблаймиз:

$$G = \frac{P_{38} \cdot m \cdot (K_t^{\max} \cdot K_E \cdot V_q^{\max}) \cdot K_p^{\max} \cdot K_{06} \cdot B \cdot 0,294}{10^7 \cdot p_a} = 972,14 \text{ т/г.} \quad (3.3)$$

Шундай қилиб, НТҚ даги резервуарларда нефтни сақлаш жараёнида улардан атмосферага чиқадиган ифлослантирувчи моддаларнинг миқдори 972,14 т/йил ни ташкил этиши аниqlанди.

Бу натижа моделлаштириш тизими орқали ҳисоблаб топилган қийматлар билан мос тушади. Демак, қурилмада ажralадиган газларнинг миқдорини ҳисоблаш учун фойдаланилган математик моделларадекват деб хulosса қилиш мумкин.

**Тадқиқотларнинг учинчи босқичида** енгил углеводородлар йўқолишини камайтириш ҳамда НТҚ нинг ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида учувчи енги фракцияларни тутиб қолувчи қурилмани (ЕФТҚ) киритиш ва қўллаш орқали мавжуд технологик тизимни реконструкциялаш тавсия этилди. Бу қурилма:


- резервуарлардан Увларнинг чиқиб йўқолишини тўла бартараф этади;
- ишлаб чиқаришнинг атроф муҳитни ифлослантиришига барҳам беради;
- нефт маҳсулотларининг ижобий хусусиятларини сақлаб қолади;
- – экология учун корхонанинг тўлайдиган солиғини камайтиради;
- корхонанинг иқтисодий самарадорлигини оширади.

Тавсия этиладиган қурилма Стирлинг томонидан яратилган паст ҳароратли совутиш машиналарига (стирлинг-технологиялар) асосланган, енги фракцияларни тутиб қолувчи компрессорли тизимдан иборат. Мазкур технология ЕУ ни конденсация ҳолатигача совутиш орқали уларни тутиб

қолишини таъминловчи конденсацион тизимлар синфига мансуб. ЕФТҚ тизимиининг қуидаги ижобий хусусиятларини алоҳида таъкидлаш лозим:

- атроф муҳитга заарли моддаларнинг чиқишига йўл қўймайди;
- резервуарларни ҳово ва намлик туфайли вужудга келадиган коррозиядан асраши туфайли резервуарлар паркининг ишончлилигини оширади;
- резервуарлар ва қурилмаларда оптимал ишчи босимни (резервуарларнинг герметиклиги ҳисобига) сақлаб туради.

Конструктив жиҳатидан Стирлинг машиналари (16-расм) бир агрегатда мужассамлашган компрессор, детендер ва иссиқлик алмашувчи қурилмадан иборат: конденсатор (юклама иссиқлик алмашингичи), регенератор ва холодилник. Шунинг учун ҳозирги вақтда Стирлинг машиналари НТҚ да кенг кўлланилмоқда.



**16-расм. Криоген Стирлинг машинасига асосланган ва суюқ азоти бўлган оралиқ контурли ЕУ буғларини тутиб қолувчи қурилманинг схемаси.**


Олиб борилган ҳисоблашлар шуни кўрсатадики, Криоген Стирлинг машинасига асосланган ЕУ буғларини тутиб қолувчирилманинг самарадорлиги 89 % ни ташкил этади. Демак енгил углеводород фракцияларини тутиб қолувчи қурилма ўрнатилгандан кейин тутиб қолинган углеводородларнинг миқдори

$$G_{t.k. yb} = 972,14 \cdot 0,98 = 952,70 \text{ т/йил} \quad (4)$$

Тутиб қолинган углеводородлар миқдорини ҳисоблаш шуни кўрсатадики, ЕУ буғларини тутиб қолувчи қурилмани қўллаш юқори самарадорликка эришишга олиб келади.

Бу эса атроф мухитга бекорга чиқиб кетадиган сезиларли миқдордаги углеводородларни сақлаб қолиш билан бирга, атроф мухит ифлосланишининг олдини олиш имконини беради. Демак, тадқиқ этилаётган конда замонавий техник ва технологик тизимларни қўллашюқори самарадорликка эришишга олиб келади.

Олиб борилган тадқиқот нарижаларига асосланаб, Денгизкўл кони технологик схемасини криоген Стирлинг машинасига асосланган ЕУ буғларини тутиб қолувчи қурилмани қўшиш орқали реконструкци қилиш тавсия этилди (17-расм). Лойиха иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш натижалари кўрсатадики, лойиха учун сарфланган харажатларни қоплаш муддати 1,5 йилни ташкил этади.



**17-расм. ЕҮ бугларини тутиб қолувчи қурилмали НТҚ технологик схемаси.**

### **УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

#### **Х У Л О С А Л А Р**

- “Денгизкўл” кони нефтни йиғиш ва тайёрлаш тизими асосий параметрларининг нефт ва конденсатни тайёрлаш жараёни самарадорлигига таъсири ўрганиб чиқилди ва НТҚ да нефтни сақлаш жараёнида резервуарлардан атмосферага чиқадиган заарли моддалар миқдорини аниқлаш бўйича ҳисоблашлар олиб борилди.
- Моделлаштирилган тизим ёрдамида Денгизкўл кони нефтни тайёрлаш қурилмасининг материал баланси ҳисоблаб чиқилди. Нефтгаз, горизонтал ва қия сепараторлардаги газ сарфи, шунингдек нефт резервуарларидан ва бошқа суюқ углеводород сақловчи қурилмалардан буғланувчи ЕУФ нинг миқдори иилига 952,7 тонна бўлиши аниқланди.
- Атроф муҳитни ҳимоя қилиш Давлат қўмитаси томондан белгиланган нормалар бўйича маълум методика асосида кондаги нефтни тайёрлаш қурилмасининг дезервуарларидан нефтни сақлаш жараёнида йилига 972,14 тонна ифлослантирувчи модда атмосферага ташланиши ҳисоблаб чиқилди.
- Конни модельлаштириш учун фойдаланилган математик моделлар адекват бўлиб, эксперимент ва ҳисоблаш натижалари орасидаги тафовут 0,01

% дан ошмайди. Таклиф қилинаётган моделлаштирилган тизим универсал бўлиб, барча шунга ўхшаш НТҚ учун кўлланилиши мумкин.

5. Нефтни тайёлаш қурилмасида юз бераётган йўқотишларни бартараф этиш мақсадида уни реконструкция қилиш ҳамда НТҚ нинг технологик схемасига самарадорлиги 98 % бўлган паст ҳароратли Стирлинг совутиш машинасига асосланган ЕУФ ни тутиб қолиш тизимини киритиш тавсия этилди.

## ТАКЛИФЛАР

Лойиҳаланган янги қурилма билан капитал қурилиши учун унча катта бўлмаган сармоя сарфи ҳисобига қазиб олинаётган ЕУ буғларини тутиб қолиш эвазига тизимдан катта миқдорда фойда олиш билан бирга атроф муҳит ифлосланишининг олдини олиш, конлар жойлашган худуд экологиясини яхшилаш мумкин. Республикада жойлашган бундай қурилмаларнинг сони кўплиги инобатга олинса, тизимдан олинадиган фойданинг ва атроф муҳит ҳимосига қўшиладиган ҳиссанинг салмоғи нақадар катта бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бешагина Е.В., Будовая Е.А., Гавриков А.А. Повышение эффективности промысловой подготовки нефти // Фундаментальные исследования. – 2013. – № 8-3. – С. 545-550;
2. С. А. Ахметов, М. Х. Иштияров, А. П. Веревкин, и др. Технология, экономика и автоматизация процессов переработки нефти и газа // М.: Химия, 2005. – 796 с.
3. Дустов Х.Б., Ким К.В., Сойибов С.А. Применение моделирующих систем к установкам комплексной подготовки газа. // Развитие науки и технологий. 2016. №1. – 76-82 б.
4. Ахметов С. А. Технология глубокой переработки нефти и газа: Учебное пособие для вузов. –Уфа: Гилем, 2002. – 672 с.
5. Сойибов С.А. Подготовка нефти и газа на нефтегазовых месторождениях в период падающей добычи. // Молодой учёный. 2016, №2 (106), – С 282-283.
6. Сойибов С.А., Сатторов М.О. Подготовка продукции скважин на Бухара-Хивинском регионе в период падающей добычи. // Наука, техника и образование. 2016, №2 (20), – С 70-72.

7. Байков Н.М., Позднышев Г.Н., Мансуров Р.И. Сбор и промысловая подготовка нефти, газа и воды.–М.: Недра, 1981.-261 с.
8. Бараз В.И. Сбор, подготовка и транспортирование нефтяного газа.–М.: Недра, 1987.-260 с.
9. Вайншнейн А.Б., Кулаков П.И. Совершенствование технологии сбора и подготовки нефти и газа на месторождениях с высокими давлениями и темпе-ратурами//Нефтяное хозяйство.– 1993, № 8.–С.44-46.
10. Виноградов В. И. Основные направления работ по совершенствованию технологических процессов сбора и подготовки нефти и газа // ТНТО. Серия добыча. М.: ВНИИОЭНГ. - 1974.-96 с.
11. Гальцев Е.В., Кузнецов В.В. Отличие свойств остаточной нефти от добываемой // Нефтяное хозяйство..-1997.-№ 5.-С.24-25.
12. Голубев В.Ф. и др. Совмещенная герметизированная система подготовки нефти и воды на объектах добычи нефти // Нефтяное хозяйство..-1995.-№ 5/6. -С.77-80.
13. Голубев В.Ф. и др. Герметизированная система предварительного сброса и подготовки подтоварной воды // Нефтяное хозяйство..-1996.-№ 6.-С.53-55.
14. Дьячук А.И. Развитие систем сбора нефти и газа на промыслах // Нефт. хоз-во.-1990.-№9.-С.62-63.
15. Закрытая система сбора и подготовки подтоварной воды на нефтепромыслах / Голубев В. Ф., Вильданов Р. Г., Серазетдинов Ф. К., Мамбетова Л. М. // Тр./ Башнипинефть.-1995.-Вып. 90. С. 83-90.
16. Исследование деэмульгирующей способности новых деэмульгаторов для нефти Башкирии: Отчет о НИР (заключительный) /БашНИПИнефть. Рук. Баймухаметов Д.С., Калинина Т.А., Саматова И.Ф.- Дог.1777.- Уфа, 1997.- 65 с.
17. Каган Л.С, Гейхман Т.Д., В.К. Мошков и др. Стальной цилиндрический резервуар с алюминиевой крышей для нефти и нефтепродуктов // Нефт. хоз-во.-1999.-№ П.-С. 34-36.

18. Котенев Ю.А., Андреев В.Е., Юсупов О.М. и др. Экологические аспекты функционирования нефтегазовых техногенных систем.-Уфа: УГНТУ, -1998.- 101 с.
19. Кулаков П.И. Оптимизация технологии подготовки нефти с применением деэмульгаторов // Нефт. Хоз-во.-1993.-№ 8.-С.46-47.
20. Лобков А.М., Сбор и подготовка нефти и газа на промысле.- М.: Недра, 1968.-284 с.
21. Мансуров Р.И., Бриль Д.М., Емков А.А. Основные направления развития техники и технологии подготовки нефти и очистки воды на промыслах // Нефт. хоз-во.-1990.-№ 9.-С.59-62.
22. Новое направление в развитии путевого сброса и очистки пластовых вод в системе сбора продукции скважин /В.А. Крюков, Д.М. Бриль, В.И Тимашенко./Сб. ИПТЭР.-1993.-С.4-9.
23. Пергушев Л.П., Тронов В.П., Исмагилов И.Х. и др. Исследование эффекта редиспергирования в нефтяных эмульсиях, обработанных деэмульгаторами // Нефт. Хоз-во.-1999.-№ 7.-С.45-46.
24. Персиянцев М.Н., Гришагин А.В., Андреев В.В. и др. О влиянии свойств нефти на качество сбрасываемой воды при предварительном обезвоживании продукции скважин // Нефт. хоз-во.-1999.-№ 3.-С.47-49.
25. Рахматуллина Г. М., Шарафутдинова Ф. В., Мясоедова Н. В., Зуева .А. Влияние реагента СНПХ-7912 М на транспорт нефтяной эмульсии Узбекского месторождения // Нефт. хоз-во.-№ 2.-1998. С. 57-58.
26. В.К. Мошков, О.М. Юсупов, М.А. Сафин.Рациональные границы эволюционной адаптации систем нефтегазосбора //Тр. Башнипинефть.- 2000.-ВЫП.102.-С.191-194
27. В. К. Мошков и др. Патент на изобретение № 2159892. Система сбора продукции нефтяного месторождения / 27.11.2000.
28. Тронов В.П. и др. Главные направления сокращения затрат в области сбора и подготовки нефти // Нефт. хоз-во.-1995.-№ 11.-С.54-55.

29. Тронов В.П. и др. Разработка и внедрение высокоэффективных технологий и процессов сбора и подготовки нефти на объектах ОАО «Татнефть» // Нефт. хоз-во.-1998.-№ 7.-С.52-55.
30. Тронов В.П. Промысловая подготовка нефти.-М.: Недра, 1977.- 270 с.
31. Анализ работы основного технологического оборудования Уренгойского ГКМ /Г.А. Ланчаков, А.Н. Дудов, В.А. Ставицкий и др. М.: ИРЦГазпром, 2011, -28с.
32. Адлер Ю.П., Маркова Е.В., Грановский Ю.В. Планирование эксперимента при поиске оптимальных условий.- М.: Наука, 1976. – 279 с.
33. Арис Р. Анализ процессов в химических реакторах: Пер. с англ./Под ред. И. И. Иоффе. -Л.: Химия., 1967. 328 с.
34. Арутюнов В.С., Крылов О.В. Окислительные превращения метана. М.: Наука, 1998, 350 с.
35. Астарита Дж. Массопередача с химической реакцией: Пер. с англ./Под. ред. Л. А. Серафимова.-Л.: Химия, 1971. — 223 с.
36. Бекиров Т.М. Опыт эксплуатации установок промысловой обработки газа. М.: ВНИИЭгазпром, 1977. - 49 с.
37. Бекиров Т.М. Первичная переработка природных газов. М.: Химия, 1987.- 265 с.
38. Т.М. Бекиров, ГА. Ланчаков, В.Я. Коломийцев Способ подготовки газоконденсатной смеси к транспорту: Пат. РФ 2092690 /. БИ. - 1997. -№ 23.
39. Бекиров Т.М., Сулейманов В.А., Шемраев Г.А. Выбор технологии подготовки газа к транспорту месторождений полуострова Ямал // Подготовка, переработка и использование газа. 1988. - № 6. - С. 6-9.
40. Бекиров Т.М.; Шаталов А.Т. Сбор и подготовка к транспорту природных газов. -М.: Недра, 1986.- 198с.

41. Базлов М.Н., Смоглюков Н.Н., Шалеткин А.Ф. Модульная система сбора нефти при разработке месторождений с применением термических методов//Нефтепромысловое дело.- 1983. -№ 1.-С. 16-17.
  42. Шмелев В. А., Шаймарданов В. Х., Ким М. Б. Некоторые особенности процесса предварительного обезвоживания нефти // Нефт. хоз-во.-1998. № 3. -С. 73-75.
- 43.<http://www.dissercat.com>
44. <http://www.fundamental-research.ru>
45. [lib.gubkin.ru/elektronnyi-katalog](http://lib.gubkin.ru/elektronnyi-katalog)
46. [elib.gubkin.ru/](http://elib.gubkin.ru/)
47. [priem@gubkin.ru](mailto:priem@gubkin.ru)
48. [www.oilforum.ru/forum/235-tehnika-i-tehnologii/](http://www.oilforum.ru/forum/235-tehnika-i-tehnologii/)
49. [www.oilforum.ru](http://www.oilforum.ru) › Техника и технологии
50. [lektsiopedia.org/lek-19221.html](http://lektsiopedia.org/lek-19221.html)
51. [www.ngfr.ru/ngd.html?neft18](http://www.ngfr.ru/ngd.html?neft18)